

Шифокорлар ва Дардманлар жандаси



Тошкент

Ибн Сино номидаги нашриёт

1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўпловчи—Б. А. Охунжонов
 Таржимон — А. Шомирзаев.
 Муқовани Б. У. Абдусаломов ишлаган.

Ш 66 **Шифокорлар ва дардмандлар хандаси: /Тўплам/
 (Тўпловчи Б. А. Охунжонов/. — Т.: Ибн Сино но-
 мидаги нашр., 1991.—95 б.**

Медики и пациенты обмениваются улыбками.

Қўлингиздаги китебда табобатга оид хандалар, латифалар, мақоллар, ибратли иборалар тўпланган. Қитобхон уларни ўқиб, лабида табассум пайдо бўлар экан, руҳи энгил тортади, айни пайтда «коса тагидаги ним коса» дан ўзларига хулоса чиқариб оладилар. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу тўпламга «Крокодил», «Перец» (Украина), «Ннанги» (Грузия), «Вожжи» (Белоруссия) каби турли ҳажвий журналлардан олинган хандалар киритилган. Шунингдек, Габрово хандалари, Аркадий Аверченко таҳрири остида чоп этилган «Сатирикон», Лец ва Станислав Ежвининг «Бир қайнови ичиди гаплар» тўпламларидаги айрим латифалар ҳам китобдан ўрин олган.

ББК 51.1(2)

4702620206—075
 Ш М 354(04) 91 87—91

ISBN 5-638-00427-0

© Тўпловчи Б. А. Охунжо-
 нов, таржимон А. Шомир-
 заев, 1991.

ҚАЕРИНГИЗ ОҒРИЯПТИ?

ДАРВОҚЕ...

— Доктор, кун совуқ, балки коньякли бир финжон қаҳва ичармиз?!

— Ёмон бўлмасди! То уйингизга етиб келгунимча аъзои баданимдан совуқ ўтиб кетди. Ташқарида совуқ йигирма беш даража-я! Дарвоқе, сизнинг ўзи қаерингиз оғрияпти?



ҚАТЪИЙ ЖАВОБ

— Юзимдаги холни олиб ташлашнинг иложи борми?

— Иложи бор, албатта. Фақат каллангиз билан бирга кесиб олиб ташлашга тўғри келади.

СУДРАБ БОСМАСИН

— Доктор! Кейинги пайтларда эрим оёғини судраб босадиган одат чиқарди. Бунинг бирор-бир чорасини кўрмаса бўлмайди!

— Эрингизнинг ёши нечада?


— Бунга ёшининг нима алоқаси бор?

— Ҳар ҳолда-да...

— Саксон учда...

— Агар шундай бўлса, ундан яна нимани хоҳлайсиз?

— Оёғини судраб босмаслигини.



ХУДОНИНГ ИНЪОМИ

— Доктор, эримнинг аҳволи мени ташвишлантиряпти.

— Нима бўлди унга?

— Унга бирор нарса тўғрисида соатлаб гапираманда, кейин бирдан гапимга у мутлақо қулоқ солмаётганини сезиб қоламан.

— Бу касаллик эмас, хоним, худонинг инъоми.

АСАБИНГИЗ МУСТАҲҚАММИ?

АНИҚ ХУЛОСА

— Қасалингизга сабаб—асабингиз, унинг бузилиши оқибатида...

— Демак, дардим бедаво экан-да...

ТУҶҚИЗГАЧА САНАГАНДА...

Уйқусизликдан қийналаётган боксчи маслаҳат сўраб врачга мурожаат қилди.

— Сизга жудаям синалган бир услубни таклиф этишим мумкин, — деди врач. — Ухлагани ётганингизда, овоз чиқармай, бир, икки, уч, тўрт, беш деб то ухлаб қолгунингизча санайверинг. Бу дарров ухлаб қолишингизга ёрдам беради.

— Афсуски, бу услуб менга тўғри келмас экан, — деди боксчи хўрсиниб. — Ҳисоб «тўққиз» бўлди дегунча, ўрнимдан ирғиб туриб кетаман.

БИР УҚ БИЛАН...

— Доктор, кейинги пайтда қулоғим оғирлашиб қолди. Бу мени кечки овқатдан кейин скрипка чалиб, роҳатланишдан маҳрум этаяпти: чалган куйимни ўзим эшита олмаяпман.

Врач рецепт ёзиб берди-да:

— Мана шу ҳаб дориларни албатта сотиб олинг, — деб тайинлади.

— Уларни нчсам яхши эшитадиган бўламанми?

— Йўқ. Бу тинчлантирувчи дори. Уларни қўшниларингизга беринг-да, скрипкани қаттиқроқ чалаверинг.

СИЗНИНГ САЛОМАТЛИГИНГИЗ УЧУН

ФАҚАТ ТОМОҒИМ ҚИЧИШАЯПТИ

— Врач сизга нима қилишни буюрди?

— Э-э, қандайдир спирт суртишни.

— Хўш-хўш, ёрдам бераяптими?

— Қаёқда... Фақат томоғимни қичиштиряпти.

НИШОНГА УРМОҚ

Ҳушёрхонада чиқадиган деворий газетага «Сизнинг саломатлигингиз учун» деб ном қўйишди.

ТУШУНДИ


— Қасалингиз қанақа эканлигини аниқлаш қийин бўляпти. Балки бу, ичкилик туфайлидир.

— Яхши, доктор, мен кейинроқ, сиз ҳушёр бўлган пайтингизда келаман.

ЯХШИСИ...

— Дори ичиш унчалик қўрқинчли эмас. Гўёки, пиво ичаяпман, деб ўйланг.

— Яхшиси, доктор, пиво ичиб, бу дори, деб ўйласам-чи...



БЕШ БАТТАР БУЛДИ

Ларсен ичкиликка тез-тез муккасидан кетарди. У зарарли иштиёқидан қутулиш мақсади-да, врачнинг маслаҳати асосида йога билан шуғуллана бошлади. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, врач Ларсеннинг хотинини учратиб қолиб, ундан эрининг аҳволи қандайлигини сўраб-суриштирди.

— Ёмон, доктор. Энди у, ҳатто, оёғини осмонга қилиб, бошида тик турганча шишани бўшатаяпти.

ФАРҚИ ЙЎҚ

Ресторанга кирган хўранда овқат билан бирга бир стакан вино ҳам келтиришларини илтимос қилди.

— Винонинг қизилиданми ё оқиданми? — деб сўради официант.

— Аҳамияти йўқ, мен ранг-тусларнинг фарқига бормайман.

МУНТАЗАМ...

— Юрагингиз мунтазам ураётгани йўқ. Ичасизми?


— Ичаман, доктор. Лекин мунтазам ичаман.

ЭСКИ ҚАДРДОНЛАР

— Маърузачи ичкиликнинг зарари тўғрисида ажойиб маъруза қилди-да. Тўғрими? Ҳозир бориб, буни ўзига айтаман.

— Сиз у билан танишмисиз?

— Бўлмасам-чи, ҳар куни бирга ичамиз-ку у билан.



САБР-ТОҚАТ БИЛАН

Бир арақхўр уйи олдидаги зинапояда ўтириб олиб:

— Бу у эмас. Бу ҳам у эмас. Буниси ҳам у эмас... — деб ҳадеб бир гапни такрорлар эди.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? — деб сўради бир йўловчи.

— Кўз олдимдан ҳамма уйлар қатор бўлиб ўтишяпти. Қачон ўзимнинг уйим келиб қоларкин, деб кутаяпман.

ЕРДАМ БЕРАДИ

Врач беморга деди:

— Хонангизни жудаям ароқ ҳиди тутиб кетибди-ку.

— Ароқни оғриётган тишимга босгандим.

— У анчадан бери оғрийдими?

— Болалигимдан.



ОМАД

- Врач сенга ичишни таъқиқлаб қўйдими?
- Ҳа. Лекин, бахтимга, айнан нимани ичмаслигим кераклигини айтмади.

КИМ КИМНИ ИЧАДИ?

Аввал одам винони ичади, кейин вино винони ичади, ундан кейин эса вино одамни ичиб юборади.

Халқ донишмандлигидан

ОЧИҚ ҒАП

- Пан ичадиларми?
- Агар доктор бунчалик илтифот қилар эканлар...

ДАВОЛАНГАЧ...

- Шундай қилиб, бошқа ичмаяпсиз. Шифо топдингиз, шишадош дўстларингиздан алоқангизни уздингиз. Хўш, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?
- Яхши, доктор, ҳатто жудаям яхши ҳис қиляпман. Бунинг учун сизга раҳмат.
- Саломатлигингиз тикланяптими?
- Саломатлигим жуда яхши, ўртоқ доктор.
- Қизиқ, агар ичкиликка сарфлаб юборган пулла-

рингизнинг ҳаммаси ҳозир қўлингизда бўлиб қолса нима қилардингиз?

— Оҳ, қанийди доктор, яна ичган бўлардим...

МУЛОҲАЗА

— Биттаси бор эди, ичарди—ўлди, бошқаси бор эди, ичмасди — у ҳам ўлди. Лекин иккови бир пайтда ўлгани йўқ. Ановиниси, ичмайдигани олдинроқ ўлди, чунки уни машина босиб кетди, машинани эса ичадиган киши ҳайдаб келаётганди...

ИУЛИ БОР

— Нимага бунчалик ғамгинсиз?

— Кўрмайсизми, врач ичишним, чекишним таъқиқлаб қўйди.

— Шунгаям ташвишми... Бошқа врачга боринг-қўйинг-да.

ОЛДИНГА УТИБ КЕТИБДИ

— Мен сизга ҳар куни уч маҳал ҳаб дори ва бир қадаҳ коньяк ичишни ёзиб бераяпман. Ҳўш, қалай?

— Унда ҳаб дори ичишдан бир ҳафта орқада қолибман, коньяк ичишдан эса уч ҳафта олдинга ўтиб кетибман.

ДУСТИНГ УЧУН ЗАҲАР ЮТ

— Бугун ўлгунимча ичаман!

— Кетдик... Мен ҳам сен билан бирга ўлишни хоҳлайман.

ҲАЛИ КЕЧ ЭМАС

— Мени тезроқ арақхўрлар касалхонасига ётқизинг.

— Нега бунча шошилишч?

— Эртага уйимга қайнонам, учта қайинсинглим, яна хотинимнинг холаси икки қизи билан келаяпти...

— Келса нима бўлибди?

— Ахир индинга 8 март-ку! Қўрқиб кетяпман!

УНГА БАРИ БИР

Париждаги кафелардан бирига кирган хўрандининг кайфи ошиб қолди. Ёнида ўтирган киши уни қўрқитмоқчи бўлиб, деди:

— Биласизми, месъё, статистика маълумотларига қараганда, ҳар йили бир миллион француз спиртли ичимликларни сунистеъмол қилганлиги сабабли ўлар экан.

— О-о, лекин бунинг менга аҳамияти йўқ. Мен — бельгияликман.

ЭНГ НОХУШ ИШ

— Эрингизни энг нохуш ишга кўниктириб бораверинг.

— Вой, худойим-эй! Наҳотки у ўлса.

— Йўқ, асло ундай эмас. Унинг пиво ичишдан қатъиян воз кечишига тўғри келади.

ВАҚТ УТАЯПТИ-Ю...

— Ичишни ташланг! Мен бу ҳақда сизга ўтган йилдаёқ гапиргандим.

— Эсимда. Лекин мен, ўшандан бери медицина тараққиёт қилди, деб ўйлагандим.

ТАШВИШ

Янги йилнинг биринчи куни тонг саҳарлаб врачни телефон кўнғироғи уйғотиб юборди.

— Доктор! Дўстимнинг соғлиғидан жудаям ташвишдаман.

— Нима қилди унга?

— Кеча икковимиз озроқ ичгандик, энди бўлса... биласизми, гап кўм-кўк жинлар ҳақида...



— Нима, дўстингизнинг кўзига кўм-кўк жинлар кўр-
риняптими?

— Ҳамма гап шунда-да, у биронта ҳам жинни кўрма-
япти. Хона бўлса уларга лиқ тўла...

ЭНГ ЯХШИ ТАДБИР

— Уйқунгиз келмаганда нима ичасиз?

— Ҳар икки соатда бир стакан вино.

— Шундан сўнг ухлаб қоласизми?

— Йўқ. Лекин бедорликни хушчақчақлик билан ўтка-
заман.

ЕШИГА ҚАРАБ...

АФСУС

— Узоқ умр кўриш яхши-да! А'фсус, бунақанги умрни
фақат қарияларгина кўради-да.

ИККИСИДАН БИРИ...

Бемор врачга ўз касалликлари ҳақида гапириб берар
экан, унга ёрдам бера олмаётган медицинадан ҳам шико-
ят қилди. Врач икки қўлини ёнига ёйганча, деди:

— Ахир, ёшингиз етмиш олтига борибди. Бир умр ёш
бўлиб қолишнинг иложи йўқ-ку.

— Буни ўзим ҳам биламан, — дея кулимсиради бе-
мор. — Лекин бир умр чол бўлиб қолишга розиман.

ЕШ ТУФАЙЛИКУ-Я, ЛЕКИН...

— Чап оёғим жудаям оғрияпти-да.

— Ёш туфайлидирда...

— Ҳа, аммо ўнг оёғим у билан тенгдош бўлсаям, оғ-
римаяпти-да.

БАШОРАТ ҚИЛУВЧИ

— Нақ, эман дарахтидек бақувватсиз, дўстим. Тўқсон
йил яшайсиз.

— Аллақачон тўқсонга кирганман.

— Ана, айтмадимми.

ДОРИХОНАДА

- Оқ соч учун сизда бирор-бир нарса борми?
- Чуқур ҳурмат қилишдан бошқа ҳеч нарса йўқ, сэр.

ПЕШОНАСИГА ЕЗИЛГАН БУЛСА...

- Доктор, қонимни текширтирмоқчиман. Яқинда уй-ланаман.
- Уйланаман? Ёшингиз нечада?
- Етмиш саккизда.
- Келиннинг ёши-чи?
- У-ми, атиги йигирма икки ёшда.
- Ёшларингиз ўртасидаги бунақанги фарқнинг охири «вой» бўлиши мумкин-ку.
- Нима бўлибди. Агар унинг пешонасига ўлиш ёзилган бўлса — ўлади-да.

АТИГИ...

Бир фирибгар ярмаркада «оби-ҳаёт» сотарди.

— Дўстларим, мана менга бир қаранг-а, — дерди у, — қанчалик бардам ва соғломман, ҳолбуки ёшим аллақачон уч юзга етган.

— У ростдан ҳам шунақанги қарими? — деб сўради қишлоқдан келган бир дўлвор фирибгарнинг ёрдамчисидан.

— Аниқ айта олмайман, деди у ҳатто кўзини ҳам пириллатмай. Мен унинг қўлида атиги юз эллик йилдан бери ишляяпман.

ШУБҲА

— Хотинингизнинг асаб касалига учрагани албатта, кўнгилсиз воқеа, лекин сиз хавотир олманг, у шу ҳолида ҳам юз ёшгача яшаши мумкин.

— Мен-чи?

ЕШАРТИРИШ ОПЕРАЦИЯСИ ПАЙТИДА

Қасалхонада ёшартириш операцияси кетаётган эди. Наркоз бермасдан операция қилашаётганди.

Врач унга тасалли берди:

— Операция тугаяпти, бир дақиқадан сўнг оғриқ ўтиб кетади.

— Оғриқдан йиғлаётганим йўқ, — деди бемор. — Мактабга кеч қоламан, деб қўрқаяпман.

Бемор ташвишга тушиб қолди, кейин хўнграб йиғлаб юборди.

ТАРКИ ОДАТ — АМРИ МАҲОЛ

Юз ёшга кирган қариядан сўрашди:

— Нимага сиз ўлимдан бунчалик қўрқасиз?

— Биласизми, — жавоб берди у, — мен узоқ яшадим, шунинг учун ҳам яшашга кўникиб қолганман.



ТАЖРИБА

— Тошбақани нимага уйга олиб кирдинг?

— У ростдан ҳам икки юз йил яшайдими-йўқми, шунини текшириб кўрмоқчиман, ойижон.

УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ

Журналист юз ёшга кирган отахондан сўради:

— Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада? Ахир сиз ёшлигингиздан бери чекасиз-ку.

Отахон трубкасини чекиб, тутунни ичига тортди, кейин уни секингина қайтариб чиқарар экан, деди:

— Менинг замонамда, йигитча, никотиннинг зарарли хусусиятларини билишмаганди.



СИГАРЕТ ТУТУНИ ОРАСИДА

НАҲОТКИ

- Билиб қўйинг, икки грамм никотин отни ўлдиради.
- Вой, худойим-эй! Наҳотки отлар ҳам чека бош-лашган бўлса.

МАТОНАТЛИЛИК

- Менинг эрим чекишни ташлади.
- У-ху! Демак у матонатли экан-да.
- Қаёқда! Мен матонатли эканман!

ЧОРА КЎРДИ

- Тамакининг зарари тўғрисида шунақанги кўп ўқидим-ки, пировард-оқибатда бирор чора кўришга қарор қилдим.



- Чекишни ташладингизми?
- Йўқ, ўқишни йиғиштирдим.


УНИ КЕЧИРАМАН

- Эсингда тут, никотин — бу сенинг душманинг.
- Ҳечқиси йўқ, мен уни кечираман.

УЗ-УЗИНИ ДАВОЛАШ

— Нимага сен бир соатдан бери бензоколонка ёнида турибсан?

— Бу ерда чекиш таъқиқланган, мен эсам чекишни ташлашни жудаям хоҳлайман.



ИШОНЧЛИ ВОСИТА

Бемор оёғи қаттиқ оғриётганидан жарроҳга шикоят қилди.

— Оёғингиз тизангиздан чиқиб кетибди-ку. Шу ҳолда кўпдан бери юрибсизми?

— Икки ҳафтадан бери.


— Чидамлилигингиздан ҳайратга тушаяпман! Нимага ҳузуримга дарҳол келмадингиз?

— Биласизми, бирор ерим оғриди дегунча, хотиним, сен чекишни ташлашинг керак, деяверади.

ҚОШ ҚҰЯМАН ДЕБ...

Бир аёл бағбақани қандай қилиб йўқотиш тўғрисида маслаҳат беришни сўраб, газета редакциясига мурожаат қилди. Хатининг охирига эса, эркак кишининг номини ёзиб, имзо чекди.

Кўп ўтмай редакциядан шундай жавоб келди: «Соқол қўйинг».



ИККИ БАРОБАР КҮП

Бир врач ҳамкасбига деди:

— Ишончим комилки, беморларимизнинг учдан бири биз ҳақимизда ёмон фикрдалар.

— Гапингга қўшиламан. Лекин уларнинг учдан иккиси биз ҳақимизда яхши фикрдалар.

«ИШТАҲАНГИЗ ОЧИЛАВЕРСИН»

Париж магазинларида семиришга қарши янги восита пайдо бўлди. Қутича устидаги қоғозда эса шундай ёзув бор эди. «Сабр таги—олтин, уйга боргандан сўнг очинг».

Қутичада эса... кемтик қошиқлар, тишлари синган санчқи ва ўтмас пичоқ бўлиб, уларга яна шундай ёзув ҳам илова қилинганди: «Иштаҳангиз очилаверсин!».

ЖИДДИЙ ХАВФ

— Жаноби профессор, нимадир менинг ҳаётимга хавф солаётганга ўхшайди.

— Худди шундай, фрау, бу хавф — сизнинг вазнин-гиз.

ОЗИШ ИНСТИТУТИДА

Кекса врач ёш врачга деди:

— Мана, бизнинг энг яхши миждимиз келаяпти. У бу ерда ўн йилдан бери даволанади.

ТАФОВУТ

— Доктор, сизнинг қадди-қоматингиз ҳам худди меникига ўхшаган, лекин сиз ҳамма нарсани еяверасиз-у, менга эса таъқиқлайсиз.

— Бизнинг ўртамизда катта фарқ бор.

— Қанақанги фарқ?

— Сиз жон-жаҳдингиз билан даволанмоқчи бўлаяпсиз, бу эса менинг хаёлимга ҳам келаяптгани йўқ.

БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

Меъёрида ейилган таом сени бардам тутади, ортиқчаси эса оёққа юк бўлади.

ЭНГ ТУҒРИ ТАВСИЯ

Америка конгресси махсус комиссиясининг аниқлашича, АҚШ фуқаролари озиш учун бефойда дори-дармонларга ҳар йили 100 миллион доллардан ортиқ сарфлар эканлар. Комиссия озишни истовчиларнинг ҳаммасига бир йўла шундай тавсия қилди: озишни хоҳласангиз — камроқ овқат енг.



ЎВУЗЛИК МАНБАИ

Буюк инглиз ёзувчиси Бернард Шоу ҳаддан ташқари семиз бир киши билан учрашиб қолди.

— Бақалоқ тарашадек қотма Шоуга қараб, деди:

— Сизни кўрган одам, бутун Англияда очарчилик экан, деб ўйлаши мумкин.

— Сизга қараб туриб эса, — деди Шоу жавобан, — бундай офатнинг сабабчиси сиз экан, деб ўйлаши мумкин.


ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

Қасали шунақанги кўп-ки, уни нақ медицина справочниги дейсиз.

* * *

Жарроҳ қабрига қўйилган тошдаги ёзув:

— «Бу ерда ётган киши, атрофида ётганларнинг ўлимига сабабчи бўлган зотдир».



* * *

У даволанишга бориб, фақат Кахетин минерал сувидан ичди, қайтиб келгач эса, сув ёрдам бермаганидан нолиди.

* * *


Ўз соғлиғини ўйламай, бегоналарнинг саломатлиги учун ичди.

* * *

Микроблар борлигига ишонмасди, лекин ҳар эҳтимолга қарши қайнаган сув ичарди.

* * *

Ер айланишини билгач, боши айланаётганидан шикоят қила бошлади.



* * *

У фақат дорихонада йўқ дориларнигина фойдали деб биларди.

* * *

У ҳақиқат учун курашди, ҳозирча эса бу унинг соғлиғига зарар етказмади.

* * *

У ўрта миёна врач, аммо ёқимли одам. Ҳеч қачон гапни бўлмайди. Охиригача сабр қилиб эшитади. Ҳеч қачон шошилмайди. Менга қандай дори-дармон кераклигини эса, ўзим яхши биламан.

* * *

Касаллик варақалари унинг ҳаётидаги асосий саҳифани ташкил қиларди.

* * *

У шундай мавзуда диссертация ёқлади: «Беморларнинг қон босими ошишида рўйхат бўлимининг роли».

* * *

Қасал чоғларида у индамасдир,
Гап халтасин очар соғайган замон.
Лек билмас қай гапдан фойдаю зарар —
Тўлиб-тошиб сўзлар касалин ҳамон.

ЖИННИЛАР ВА ПСИХИАТРЛАР

ХУЛОСА

Жинниларнинг жиннилар ҳақида айтиб берган лати-
фалари киши кўнглига гулгула солиб, ўйлантириб қўяди,
чунки улар жудаям донолик билан тўқилган латифалар-
дир.

Станислав Ежи Лец

ПСИХИАТРИЯ ШИФОХОНАСИДА

- Сен кимсан ўзи?
- Рим папаси.
- Ким сенга айтди, сен папасан деб.
- Худонинг ўзи.

Шу пайт суҳбатга яна бир бемор қўшилди:

— Унинг ҳамма гапи ёлғон. Мен буни унга ҳеч қачон
айтмаганман.

ШАҲАР КЕЗГАНДА

Санаторий врачий руҳий касалликдан соғайган бемор-
га санитар кузатувида шаҳарни айланиб келишга рухсат
берди.

Соғайган бемор кўчада бир чиройли қизни кўриб қол-
ди-да, шоша-пиша унинг ёнига келиб, елкасига почта
маркасини ёпиштирди.

— Нима қилаяпсиз? — сўради санитар унинг қўлини
тортар экан.

— У менга жудаям ёқиб қолди.

— Шундоқ ҳам бўла қолсин. Лекин нима учун унга
марка ёпиштирдигиз?

— Маркаси бўлмаса, уни менга юборишмайди-да.

ХАМЕН КҮТАРМАЙДИ-ДА...

Психиатр ҳамкасбига нолиб деди:

— Нима қилишга ҳам ақлим етмай қолди: бир беморим доим ундан Ниагар шаршарасини сотиб олишимни сўрайди.

— Сотиб олинг-қўйинг-да,

— Иложим йўқ, ҳаддан ташқари қиммат сўраяпти.

НИМА ДЕБ КИШНАЙПСАН...

— Доктор, эрим ўзини от деб тасаввур қилаяпти. Сули ейди, оёқ-қўлига тақа қоқтирди. Агар унга гапиргудек бўлсам, фақат кишнайди. Сиз уни даволай оласизми, сэр?

— Албатта даволай оламан, фақат бунинг харажати кўп-да, мадам.

— Пул бизга пистанинг пўчоғи. Фақат ўтган ҳафтанинг ўзидаёқ, эрим пойгада икки марта биринчиликни олди.



БОНАПАРТ АВЛОДЛАРИ

Франция статистика институти тарқатган анкетага мувофиқ, мамлакатда ўзини Наполеон Бонапартнинг бевосита авлодлари деб ҳисобловчи 263 эркак ҳамда ўзининг насл-насабини Жанна д'Арк билан боғловчи 46 аёл истиқомат қилар экан.

АҲВОЛИ ЯХШИЛАНАЯПТИ

— Ўзини Людовик XIV деб атаган беморнинг аҳволи қалай?

— Анча дуруст. Энди у ўзини Людовик XIII деб атапти.

ТИМСОҲ ЕБ ҚҮЙДИ

— Доктор, менинг каравотим тагида тимсоҳ яшайди.


— Сизга шундай туюлаётган бўлиши мумкин. У ерда ҳеч қанақанги тимсоҳ йўқ. Ўзингизни шунга ишонтиришга ҳаракат қилинг.

— Яхши, доктор. Ҳаракат қиламан...

Орадан бир неча кун ўтгач, врач беморнинг хотинига қўнғироқ қилди:

— Турмуш ўртоғингиз ўзини қандай сезаяпти?

— Кеча уни тимсоҳ еб қўйди, — хотиржам жавоб берди аёл.



ЖУМЛА

Руҳий касаллар шифохонасида мажлис бўлаётганди. Беморни кўргани келган бир киши коридордан борар экан, нотиқнинг гапини эшитиб қолди:

— Қуйидаги гапни гапирганда, ашаддий жиннилар бўлимидаги ўртоқ мутлақо ҳақ эди...

ХОТИРЖАМ БУЛДИ

Нью-Йорклик таниқли психиатр-врач ҳўнграб йиғлаётган аёлга тасалли берар, у эса хиқиллаганча дерди:

— Унинг миясига фақат тўппончалар, қора ниқоб,

қотиллик қилиш ўрнашиб қолган. Ўғлимни бир амаллаб даволамасангиз бўлмайди, доктор.

Врач болани текшириб кўриб, дори ёзиб берди.


— Сиздан илтимос қиламан, хоним, — деди аёлга, — ўғлингизни бир ойдан сўнг ҳузуримга олиб келасиз. Энди ўзингизга келсак, сизга тинчлантирувчи дорилардан ёзиб бераман. Уларни мунтазам ичиб турасиз.

Орадан бир ой ўтгач, она ўғлини яна врач ҳузурига олиб келди.

— Хўш, ўғлингиз ўзини қандай ҳис қилапти? — сўради врач.

— У билан нима ишим бор. Билганини қилмайдими, энди бу мени мутлақо қизиқтирмайди, — деди жавобан она.

МЕНИНГ УЗИМ...



Бир аёл психиатр врач хонасига ҳаяжонланиб кириб келди.

— Доктор! — деди у ҳаяжонини боса олмай.—Эримни кўриб қўймасангиз бўлмайди. Унда ишониб бўлмайдиган ҳолат юз бераяпти.

— Қанақа ҳолат?

— Унингча, у — мен эмишман.

— Бу жудаям қизиқ-ку, — деди врач. — Уни марҳамат қилиб ҳузуримга бошлаб келинг.

— Уни бошлаб келишимнинг нима ҳожати бор,—деди аёл ажабланиб. — Ахир менинг эрим — ўзим-ку.

ПАРИШОНХОТИРЛИК ҲАНГОМАЛАРИ

УНУТИБ ҚУИИБДИ


Профессор Антони Сейфриж хотирани ўткирлаштириш тўғрисида маъруза қилгани Милуока (АҚШ) шаҳридаги маърузалар залига кириб борди. Бироқ у ер бўмбўш эди: профессор ўз маърузасини бир ҳафта кейинга қолдирганини унутиб қўйган эди.

РЕСТОРАНДА

- Сиз бирор нарса буюрганмидингиз?
- Буюрганам қачонлар эди. Кутавериб сабрим тугади.
- Нима буюрган эдингиз?
- Буни қарангки, сира эслолмаяпман.

ДАРРОВ ЭСДАН ЧИҚАРДИ

— Доктор, сўнгги пайтларда ҳамма нарсани эсимдан чиқарадиган бўлиб қолдим.



- Бунақанги ҳолат тез-тез юз бериб турадимиз?
- Нима юз бериб турадимиз?

ЭҲТИЕТКОРЛИК

- Бугун врачга учрашиб, хотирам ёмонлигини айтдим.
- Ҳўш, нима деди у?
- Олдиндан пулини тўлаб қўйинг, деди.

ФОИДАСИ ТЕГАЯПТИ

- Айтингчи, паришонхотирлигингиз ишингизга ҳалақит бермаяптими?
- Йўқ, аксинча, ишни эсдан чиқаришимга ёрдам бераяпти.

ДАВОСИ УЗИ БИЛАН...

СИНЧКОВ ҚУЗ

Профессор талабалар билан палаталарга кириб, беморларни кўрар экан, шогирдларига касалликни тўғри аниқлашга ёрдам берадиган белгилар тўғрисида гапириб берди.

— Масалан, мана бу ерда, — деди у бир бемор ёнида тўхтаб, — кўкрак қафаси кенгайган беморни кўраяпмиз. Одатда бу ҳол мусиқа асбобларини пуфлаб чалувчиларда кузатилади. Сиз мусиқачимисиз?

— Ҳа, — деди бемор.

— Ана, кўрдингизми, — деди хурсанд бўлиб кетган профессор, — синчков кўзга ҳаммаси маълум. Қанақа мусиқа асбобини чаласиз?

— Барабан чаламан.



ТОМИР УРИШИ

— Сиз мутлақо соғломсиз. Томирингиз бир текисда ва аниқ ураяпти, нақ соатнинг ўзгинаси.

— Бунинг ажабларли жойи йўқ, доктор! Бир дақиқадан бери қўлингизни соатим устига қўйиб турибсиз-да.

МАЪРУЗА

Машҳур кўз доктори талабаларга маъруза қилаётганди.

— Кўзи ожизлигидан қийналаётган ҳар бир киши, — деди у, — албатта икки жуфт кўзойнак олиб юриши керак — улардан биттаси ўқиш учун, иккинчиси узоқни кўриш учун тақилади. Шахсан менинг ўзим уч жуфт кўзойнак олиб юраман. Учинчи кўзойнак — қолган иккитасини топишим учун керак менга.

Еш врач беморни кўриб бўлди-да, беморнинг хотинига деди:

— Сиз мени жудаям кечикиб чақирибсиз. Афсуски, унда ўлим талвасаси бошланибди. Қаранг, эрингизнинг қўли жудаям кўкариб кетган.

— Аммо, доктор, — унга эътироз билдирди аёл, — у бўёқчи, шунинг учун ҳам қўли кўк...

— Бу сиз билан менинг бахтим, — енгилгина тин олиб деди врач. — Агар у бўёқчи бўлмаганда борми, аллақачон вафот этган бўларди.



МЕҲМОНГА БОРАЁТГАНДА

— Биз меҳмондорчиликка кетаяпмиз, азизим, — деди врачга хотини. — Сен ўз ишларингни унутишинг керак.

— Жонгинам, бу билан нима демоқчи бўлаётганингга тушунмаяпман.

— Илтимос қилман, сен билан сўрашгани қўл узатганларнинг томир уришини текшира кўрма.

ИШНИНГ ЯРМИ БИТДИ

— Дўстим, биласанми, мен ажойиб бир дори кашф этдим. Энд

ди фақат уни қайси касалликка даво бўлишини аниқлашимгина қолди...

ТУШУНАРЛИ ҲОЛ

Бемор врачнинг шишинқираган юзи, мешдай қорнини кўргач, унинг бадан тарбия билан шуғулланиш ҳақидаги маслаҳатларига қулоқ солмай қўя қолди.

УЧАР ТАРЕЛКАЛАР

Бир киши кўчада боши бинт билан боғланган дўстини учратиб қолди.

- Сенга нима бўлди?
- Биласанми, учар тарелкага дуч келиб қолдим.
- Йўғ-э! Қаерда дуч келдинг?
- Ўз уйимда.



ПАРОХОДДА

Аёл денгиз касаллигидан азоб чекаётган эрига деди:

- Вася, ҳу анави ёққа қарагин. Қандай катта кема-я.
- Ҳеч қанақанги кемани кўрмоқчи эмасман. Автобусни кўриб қолганингда мени чақир.

ФАҲМЛАБ ЕТДИ

- Сизга ичиш, чекиш, қарта ўйнаш мумкин эмас...
- Тушунарли, аллақачон бу ерга хотиним келиб-ке-тишга улгурибди-да.

ХУШХАБАР

— Энди эрингиз бошқа ишлай олмайди. Фақат ҳозирча унга бу ҳақда ҳеч нарса деманг.

— Нимага энди? Бу гапни эшитса жудаям хурсанд бўлади.



КАСАЛЛИК ТАРИХИ

— Уғилчангиз қандай касалликларни бошидан кечирган?

— Қандай касалликларни? Қизамиқни, кўкйўтални, «Спартак» учун ҳам икки йил касал бўлган, яна қизилча билан...

ФАХРЛАНИШ

Ёши ўтинқираб қолган аёл бир танишига деди:

— Менинг ўғлим ҳақиқий жарроҳ: уч юзта операция қилипти-ю, ҳалигача бирон марта қўлини кесиб олмайди-я.

ЖИДДИЙ КАСАЛ БУЛМАГАНДИ

— Хоним, эрингиз қандай касалликдан вафот этди?

— Касалининг номини аниқ эслай олмайман, лекин, ҳар ҳолда, жиддийроқ касал бўлмаганди.

ХОТИНИМ УЧУН...

— Мистер Грин, мен бир нарсага тушуна олмаяпман. Ўзингиз кечаси соат иккигача барда сандироқлаб юрар экансиз, шундай бўлгач, уйқу дорисини ёзиб берганимдан сизга нима фойда?

— Уйқу дориси менга эмас, хотинимга керак.

ТИШ ВРАЧИ ҲУЗУРИДА

ҲАДДАН ТАШҚАРИ...

Тиш доктори беморга деди:

— Оғзингизни бунақанги ҳаддан ташқари катта очманг.

— Ўзингиз айтдингиз-ку, кўзгу билан асбобларимни унга тиқишим керак, деб.

— Тўғри, лекин менинг ўзим оғзингизга кирмайман-ку.

* * *

Ҳеч нарсага ярамайдиган тиш тилла билан қопланди.




БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Врач бир аёлнинг тишига пломба қўйиб, уни эшикка кузатиб қўяр экан:

— Энди пложни борича, икки соатгача оғзингизни очманг, — деди. Коридорда ўтирган бир киши бунни эшитди-ю, ўрнидан ирғиб туриб, врачга деди:

— Сизга катта раҳмат, доктор! Катта раҳмат!



ЕРДАМ БЕРДИ


Тиши оғриётган бемор қўрқувдан қалтираганча тиш докторининг хонасига кириб келди.

— Тишингизни олиб ташлашга тўғри келади, — деди врач беморнинг тишини кўриб бўлгач.

Бунни эшитган бемор янада қаттиқроқ қалтирай бошлади. Врач унга бир қадаҳ арақ қуйиб берди. Бемор уни ичиб юборди, бироқ қалтираши қолмади. Врач унга яна бир қадаҳ қуйиб берди. Бемор учинчи, тўртинчи қадаҳни ҳам бўшатди. Қалтираши босилди.

— Хўш, қалай? — сўради врач. — Қўрқувингиз босилиб, сал дадиллашдингизми?

— Бўлмасам-чи! — деди бемор. — Қани, энди бирон-та одам тишимга тегиб кўрсинчи...



ҚУНЛАРНИНГ БИРИДА...

ДИДЛАРИ БИР ХИЛ ЭКАН

Врач ғамгинлик билан деди:

— Тўғриси айтсам, хотинингиз менга ёқмаяпти.

Бемор янада ғамгинлик билан деди:


— Бу дидга боғлиқ, доктор. Масалан, менга ҳам сизнинг хотинингиз ёқмаяпти.

ЯГОНА ИМКОНИЯТ

— Қадрдон қўшни, бугун кечқурун менга саксофонингизни бериб тура олмайсизми?

— Сиз ҳам уни чалишни ўрганмоқчимсиз?

— Йўқ. Фақат бугун вақтлроқ ухламоқчийдим.



БУ — ҚҰРҚИНЧЛИ ЭМАС

Профессор беморни кўриб бўлгач, деди:

— Сиз ақлий иш билан шуғуланмаслигингизга тўғри келади. Касбингиз нима ўзи?

— Оперетталарга либретто ёзаман.

— Бу қўрқинчли эмас. Ёзсангиз бўлади.

ЕНАЯПТИ

— Алло, доктор, тезроқ келинг! Эримнинг иссиғи қирқ беш даражага чиқиб кетди.

— У ҳолда, азизим, медицина чорасиз. Ўт ўчирувчиларга қўнғироқ қилинг.

ШУБҲАГА УРИН ЙУҚ

— Нима деб ўйлайсан, бу санаторийда даволаниш бирор-бир кишига эм бўлармикин.

— Шак-шубҳасиз. Ходимларга бир қара, улар қандай соғлом кўринишяпти.

МУШКУЛЛИК

— Бел оғриғидан қутулиш учун яқинда аптекангиздан пластирь сотиб олгандим.

— Жудаям тўғри, ҳазрат, бу меннинг эсимда турибди. Хўш, ёрдам бердими? Бизга яна қандай хизмат бор?

— Энди пластирдан қутулиш учун бирор нарса олгани келдим.

ЗАРУРИЙ ШАРТ

— Уз тахминини рўйирост гапирадиган врачни яхши кўраман. Албатта, бунинг учун унинг гапи меннинг фикримга мос келиши керак.

БИР ХИЛ ЭКАНЛАР...

Бемор аллақачон жарроҳлик столи устида ётарди. Унинг ёнига ёш врач келди. Бемор асабийлашиб, унга томон ўгирилди.

— Илтимос, ҳаяжонланманг, — деди унга врач.

— Ҳаракат қиламан, доктор, ахир умримда биринчи мартаба операция қилинишим.

— Тушунаман, тушунаман, — деди врач унинг гапини маъқуллаб.

— Лекин мендан ибрат олсангиз бўлади: мен ҳам биринчи мартаба операция қилишим, аммо ҳеч қўрқаётганим йўқ.

ТАРАҚҚИЕТ

Врач беморга ухлашдан олдин тамадди қилиб олишни маслаҳат берди.

— Бу... қандай бўларкин? — ажабланди бемор. — Аввалги гал уйқудан олдин бирор нарса ейишимни қатъиян ман этгандингиз-ку.

— Бу гап икки ой илгари бўлганди, — унга эътироз билдирди доктор. — Уша пайтдан бери медицина қанчалик ривожланганини биласизми?!

ТАШВИШЛАНМАНГ...

— Айтишларига қараганда, донолик ҳам ўзига яраша касаллик эмнш.

— Сиз бундан ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Кўринишингиздан сиз мутлақо соғломсиз.

ИТ БИЛМАСДИ-ДА...

— Мени кечқурун олтидан саккизгача қабул қилишимни наҳотки билмасдингиз?

— Мен-ку билардим-а, лекин мени қопган ит билмас экан-да.



МУЛ-КУЛЧИЛИК

— Менинг касалимга даво бўладиган дори сизларда топилшига ишона олмаяпман.

— Нималар деяпсиз! Бизнинг касалхонамизда дори-дармонлар шунақанги кўп-ки, ҳатто уларнинг баъзи бирларига мос келадиган касалликнинг ўзи йўқ.

КУРГАЗМАЛИ УГИТ

Жарроҳлик столида официант ётарди. У хонага кирган врачни кўриши билан деди:

— Тезроқ, доктор. Узимни жудаям ёмон сезаяпман.

— Азизим, сиз ётган стол менга қарамайди. Ҳамкас-бимни кутшингизга тўғри келади...

ВАҚТ СИНОВИДАН УТГАН...

— Қалоққа даво бўладиган дори борми?

— Бўлганда қандоқ. Ҳозир сизга ана шу ажойиб дорини ёзиб бераман. Менинг миждозларимдан бири ўн йилдан бери шў малҳам билан даволанади.

МУҲИМ ҲОЛАТ

— Бемор! Нимага сиз санаторийнинг тартиб-қоидасини бузаяпсиз? Кеча тун бўйи қарта ўйнаб чиққанингиз тўғрими?

— Тўғри, лекин мен навбатчи врач кузатувида ва иштирокида ўйнадим.

МОДА КЕТИДАН ҚУВИБ...

Бир хоним, янги ва модага кирган дори-дармонларни нисам бўладими, деб врачга маслаҳат солди.

— Албатта бўлади, — деди доктор. Фақат бу дори-дармонлар даво қилиш хусусиятини йўқотмасдан тезроқ ичиб қолишга ҳаракат қилинг.

МАСЛАҲАТ

— Алло, «Тез ёрдам»ми? Болам қум еб қўйганди, мен унга сув бердим. Энди бу ёғига нима қилишим керак?

— Болангизга яхшилаб кўз-қулоқ бўлиб тулинг, яна цемент еб қўймасин.

ҚИЙИНЧИЛИК ТУҒИЛГАНДА

Аптека соҳибни ёш ёрдамчисига иш ўргатаётганди. Ҳамма нарсага астойдил қизиқаётган қиз катта шиша идишни кўриб қолиб, сўради:

— Мана бу шишадаги нима?

— Бу шишадаги суюқликдан, — деб тушунтирди соҳиб, — врач ёзиб берган рецептни мутлақо ўқиб бўлмаган кезларда қўйиб берамиз.

КОНСИЛИУМ

Беморни текшириб, кўриб бўлишди.

— Энди, жаноб, — дейишди беморга, — ташқарига чиқиб турсангиз. Биз маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Бир қанча вақт хонада жимлик ҳукмронлик қилди. Кейин профессор ҳамкасбларига юзланиб, деди:

— Нима дейсизлар, уни даволаймизми ёки яшайверсинми?

ХАВОТИРЛИК

Бемор қўрқаётганга ўхшарди. Врач уни хотиржам қилмоқчи бўлиб, деди:

— Ҳечқиси йўқ, тузалиб кетасиз. Мен ҳам худди шу касаллик билан оғригандим, мана, тузалиб ҳам кетдим.

— Бўлиши мумкин, лекин сизни бошқа врач даволаганда...

БИЛИМДОНЛИК

Госпиталда ётган ўртоғини кўргани борган солдат ўз қисмига қайтиб келгач:

— Уртоқлар, — деди, — Егор энди узоқ даволанар экан.

— Доктор билан ўзинг гаплашдингми?

— Йўқ, мен фақат ҳамширани кўрдим...

ОХИРИГАЧА АЙТИЛМАГАН ТАВСИЯ

— Ҳаммаси тушунарли, — деди кўз доктори беморнинг кўзини кўриб бўлгач. — Сиз фақат кўз касаллиги билан оғримагансиз. Асабингиз бузилган, сариқ касаллигининг аломатлари бор, юрагингизни ёғ босган, қон айланиши ҳам ишдан чиққан. Сизга шуни тавсия қиламанки...

— Тўхтанг, тўхтанг, доктор! — деди шунда бемор. — Илтимос, мана бу кўзимни ҳам кўрсангиз. Ҳозир кўрагингиз сунъий кўз эди...

ПАРДОЗ-АНДОЗ ХОНАСИДА

— Қўлимнинг мана бу ерига татуировка қилиб, Лала, деб ёзилган.

— Уни ўчириб ташлаттирмоқчимисиз?

— Йўқ. Сиздан илтимос, ҳарфий хатосини тўғрилаб қўйсангиз. Одамлар олдида ноқулай бўлаяпти.

ХУДО ПАНОҲИДА

Ленинградлик собиқ руҳоний Феллофей Поляков шундай ҳикоя қилганди:

— Ҳузуримга бемор аёллар келиб, бош оғриқларини тузатишимни илтимос қилишарди. «Худонинг ўзи бандаларига меҳрибон» деб чўзиб айтганча, бош оғриғи дорисини олиб, унга муқаддас сувдан сепиб, мана энди, буни ҳар куни сут билан уч маҳал ичгин, дердим. Йўталга ко-

деинни, қориннинг санчиб оғришига пургенни «муқаддас-лаштириб» берардим. Бунинг натижаси қандай бўлиши-ни биласизми? Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин, қарабсизки, бояги бемор аёл келиб, қўлимни ўпади, даволаганим учун миннатдорчилик билдиради, яна мени муъ-жизакор деб атайди...

ТАСАЛЛИ БЕРИШ

— Ҳурматли хоним, операцияга розилик бермасангиз бўлмайди.

— Э-э, йўқ, профессор! Асло рози бўлмайман! Бундан кўра ўлганим яхши.

— Азизим, буларнинг бири иккинчисини истисно қилмайди.

ИСБОТ ҚИЛДИ

Бир муғомбир киши кўзи узоқни яхши кўра олмаслигига врачни ишонтиришга уринар, врач эса бунга шубҳаланаётганди.

— Мен буни сизга исбот қилиб бераман, доктор, — деди муғомбир. — Ҳу девордаги миҳни кўраясизми?

— Кўраяман.

— Мен эса уни кўрмаяман.

ШУНИСИ ҚУЛАЙРОҚ

Врач беморга итидан воз кечишни маслаҳат берди.

Агар воз кечмасангиз, унинг юнги сизда аллергия қўзғатаверади. Бу гапни эшитиб қолган кўшниси:

— Итингни менга сотиб қўя қол, — деб таклиф қилди.

— Нималар деясан! Яхшиси бошқа докторга бораман. Ахир бизнинг замонамизда яхши ов итидан кўра бонқа врачни қидириб топиш осонроқ-ку.

ҚИСМАН ШУНДАЙ

— Менга нима бўлган экан? — деб сўради бемор операциядан сўнг ҳушига келгач.

— Сизни машина уриб кетганди, биз операция қилдик.

Демак, мен касалхонада эканман-да?

Ҳа, қисман шундай деса бўлади.


ЕЛҒОНДАҚАМ КАСАЛЛАР

САНАТОРИЙДА

- Сизнинг ҳам бод касалингиз борми?
- Йўқ, куёвим курортлар бошқармасида ишлайди.

* * *

— Мана бу кўнгилсиз воқеани қаранг! Келиб-келиб, бизнинг палатамизга ҳақиқий беморни ётқизишадими-а...



ЎЗИНГИЗ ТОПИНГ

- Мени даволанг!
- Қаерингиз оғрияпти?
- Доктор бўлганингиздан кейин ўзингиз топинг-да!

ХУРРАҚ ОТИШНИНГ ДАВОСИ

- Қандай шикоятингиз бор?
- Кечаси ҳаддан ташқари қаттиқ хуррак отаман. Кўпинча ўзимнинг хуррагимдан ўзим уйғониб кетаман-да, кейин ҳеч ухлай олмайман. Менга қандай маслаҳат бера-сиз?
- Бошқа хонада ухлашингизни...

ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАР

«Тез ёрдам» машинасининг врачн беморни кўриб бўл-
гач, ҳамкасбига деди:


— Ё менинг соатим тўхтаб қолган, ё у аллақачон ўл-
ган.

* * *

Ранг-тусларни фарқ қила олмайдиган кишида буюк
орзу бўладими?

* * *

Врачлар нега ўлмайдиган кишиларда тажриба ўтка-
зишмайди?



* * *

Медицина соҳаси эришган муваффақиятлар учун
беморлардан миннатдор бўлиши керак эмасми?

* * *

— Асабийлашиб, қўл остимда ишлайдиганларга ба-
қираман-да, кейин ўзимнинг бақиримдан ўзим қўрқиб
кетаман. Бундан қутулиш учун нима қилишим керак?

* * *

«Қизік: Гиппократ участка врач вазифасини уздай олармиди?».

* * *

— Умуман олганда, ҳамкасб, ҳали миждозларим билан бирга яшасам бўлади.

— Ажабо! Ҳамкасб, айтингчи, улар ҳам сиз тўғринида шундай дея олишадими?

* * *

— Эримнинг тоби қочганди, унга ўтган йили арзонга сотиб олган доримдан қолганини ичирыпман. Лекин нимагадир у эримнинг соғайишига ҳеч ёрдам бермаяпти.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ...

ЯХШИСИ...

— Жаноб Штарке, сизни хафа қилишимга тўғри келади. Хотирам паромушлиги туфайли қўлқопимни қорнинида қолдирганга ўхшайман. Уни яна бошқатдан очиб кўришим керак.

— Унақа бўладиган бўлса, яхшиси, қорнимга тугма қадаб бера қолинг...

ШУНИСИ ДУРУСТ

— Менга ёзиб берган доринида ичишга улгурмасдан ҳаммасини қайт қилиб ташладим.

— Қайт қилганингиз дуруст бўлибди. Чунки дори ичишга эмас, баданингизга суртишга берилганди.

САВОЛГА САВОЛ БИЛАН...

Уқитувчи:

— Беморга қандай даволанишни тавсия этасиз?

Студент:

— Ҳмм.. Сизнинг ўзингиз нимани таклиф қилардингиз?

ТАЖРИБА АЛМАШУВ

— Қасалликларнинг номидаги бу қисқартма сўзлар нимани билдиради? — деб сўради практикага келган врач.

— Биз беморларнинг асабини авайлаш учун уларнинг касалликларини қисқартма сўзлар билан аташни маъқул кўрдик, — дейишди унга. — Масалан «И» — инфаркт миокардни, «УИБИЯ» — ўн икки бармоқ ичакнинг яллиғланишини, «СУС» — суякда ўзгариш сезилмади, деган маънони билдиради.

— «КБУН» деганичи?

— Қим билсин унинг нималигини.

ОМАД

Бемор уйига келган врачга деди:

— Мана буни омад деса бўлади, касалим худди олдинги сафардаги касаллик экан: ўшанда ёзиб берган ҳамма дори-дармонларингизни сақлаб қўйгандим.

ЯГОНА ИМКОНИЯТ

— Доктор! Чорак соатдан бери тилимни осилтириб ўтирибман, сиз бўлсангиз ёзганингиз-ёзган.

— Худди шундай ўтирганингиз учун ҳам касаллик варақангиз билан яхшилаб танишиб чиқишимга имкониёт яратаяпсиз-да.

БЕМОРНИНГ ДУСТИ

— Итим менинг ҳаётимни сақлаб қолди, деб ўйлайман.

— Бу қандай юз берди?

— Бетоб пайтимда у врачни уйга киритмади.

«МЕН АҲМОҚ ЭМАСМАН...»

Санаторийдаги силовчи-уқаловчи аёл ревматизми бор икки беморнинг оёғини бир пайтнинг ўзида силаб, уқалаётганди. Улардан бири оғриққа чидай олмай бақирар, иккинчиси эса бамайлихотир ўтирарди.

— Оғриққа қандай қилиб чидаяпсиз? — ажабланиб сўради биринчи бемор. — Касал оёғингизни уқалашаяпти-ю, сиз бўлсангиз пинагингизни ҳам бузмайсиз.

— Нима? Касал оёғингизни, дейсизми? — ўз навбатида ажабланди иккинчиси. — Мен силовчига касал оёқни уқалатадиган аҳмоқ эмасман.

Навбатчи врач олдидаги телефон жиринглади.

— Агар хизмат бўлмаса, бемор Ян Ковальскийнинг саломатлиги қандай аҳволда эканини айтиб бера олмай-сизми?

— Ҳали у оғир аҳволда.

— Сизнингча, унинг аҳволи қачон яхшиланаркин?

— Агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, кейинги чор-шанбаларга анча яхши бўлиб қолади.

— Жуда ҳам миннатдорман сиздан.

— Арзимайди. Дарвоқе, ўзингиз ким бўласиз?

— Ян Ковальскийнинг ўзгинасиман. Маъзур тутинг мени, чунки бу касалхонада яна қанча ётишимни бошқача усул билан билишнинг ҳеч иложи топилмади.


АНИҚЛАШТИРИШ

Касалхонага қўли майиб аёлни олиб келишди.

Врач уни кўргач, ажабланиб, елкасини қисди:

— Ҳеч нарсага тушуна олмаяпман. Сизни нима бунчалик қопди. Тишларнинг изига қараганда, улар от тишларидан кичкина, итники десам, ҳаддан ташқари катта. Нима қопди ўзи?

— Қўшни аёл...



ХУШМУОМАЛА ОДАМЛАР

Кечаси соат иккида телефон жиринглади. Бир эркак киши мулойим овозда деди:

— Мени кечирингизни сўрайман. Мен фақат сиз сулув қизи бор Ковальскиймисиз ё йўқми, шуни билмоқчийдим.

— Янглишдингиз, — деди унга жавобан Ковальский, — афсуски, мен бир дақиқача илгари ухлаб қолган Ковальскийман...

САБАБ ВА ОҚИБАТ

— Афсуски, сизнинг қон босимингиз ошиб кетибди.

— Эҳтимол, бу — балиқ тутганимда бўлса керак.

— Бунақанги гапни биринчи марта эшитишим. Одатда тескараси бўларди.

— Бу тақиқланмаган жойда балиқ тутганда бўладида.

ЯХШИ ҚҰРИШГА ҚҰРИШАРДИ-Ю...

Доктор Ларсоннинг дафн маросимида унинг сўбиқ беморларидан биронтаси ҳам қатнашмади.

— Бундан кўриниб турибдики, — деди бир киши, — бу врачни унчалик ёқтиришмас экан-да.

— Ёқтиришга ёқтиришарди-я, — деди унга жавобан бошқаси, — фақат ўша беморлар уни ҳозир бошқа жойда кутишяпти...

ШОШИЛИНЧ ЧИҚАРИЛГАН ХУЛОСА

Питер аптекадан чиқиб келаётган дўсти Майклни кўриб қолди.

— Салом, қария! — деди Питер. — Сенга нима қилди?

— Менга нима қилибди? Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ҳамма ишларим жойида.

— Қўйсанг-чи! Ахир аптекадан чиқиб келаяпсан — демак, касалсан.

— Э-э, тушундим! — деди Майкл. — Агар эртага мени қабристондан чиқиб келаётганимни кўрсанг, мени ўлган, деб ўйлар экансан-да?

ИУҚЛАГАНИГА ҲАМ...

— Қизингиз ҳалиям врач эри билан яшаяптими?

— Йўқ, фрау Граубе, улар ажралиб кетишган. Устига устак, ўша аблаҳ мол-мулкни фақат иккига бўлишигина талаб қилиб қолмай, ўттиз икки марта қилган йўқловига ҳам ҳисоб-китоб қилдирди. Қизим билан бирга яшаётганда менинг уйимга шунча марта йўқлаб, ташриф буюрган экан...

ЧОРАСИЗГА ЧОРА ҚАЙДА?

Округ соғлиқни сақлаш бўлимига бир киши арз қилиб келди:

— Мен бир хонали уйда учта ака-укам билан бирга яшайман, — деди у. — Улардан биттасининг еттита мушуги, иккинчисининг учта ити билан типратикони, учинчисининг эса ўн иккита тошбақаси бор. Ҳеч нафас олиб бўлмай қолди энди.

— Унда деразани тез-тез очиб, хонани шамоллатиб туринг.

— Худо хайрингизни берсин, синьор. Нима, сиз менинг ҳамма каптарларим учиб кетишини хоҳлайсизми?..

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ...

ЛОЙ ҚАЕРДА?

— Ўт пуфагингизда тош, пешобингизда қум, ўпкангизда оҳак бор экан. Яна...

— Доктор, лой қаеримда, шуни ҳам айтсангиз, қурилишни бошлаб юборардим.

УҒИРЛАШМАЙДИМИ?

Кампиршо текширтириш учун пешобини олиб келди. Лаборант унга деди:

— Қўлингиздаги шишачани коридордаги тахта токчага қўйинг. Бемор шу заҳотиёқ ундан сўради:


— Уғирлаб кетишмайдами, ишқилиб?

НАСИҲАТ

— Дада, сиз қандай ўйлайсиз, катта бўлганимда кўз доктори бўлганим яхшими ёки тиш доктори?

— Албатта, тиш доктори бўлганинг яхши! Негаки, одамларда иккита кўз бор, тиш эса ўттиз иккита.

КИМ УЙЛАБДИ...



— Ишонасанми, кўричакни олдириб ташлаганимдан кейин тошим беш килога камайди.


— Кўричакнинг оғирлиги шунча, деб ким ўйлабди.

ОЛҚИШЛАР ТУФАЙЛИ

— Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?

— Жуда яхши, профессор. Кўричак билан энди, чамаси ҳеч қачон оғримасам керак. Лекин нимагадир томоғимда нохушлик сезаяпман...

— Э-э, ҳа... Биласизми, кўричакнинг операциясини шунақанги ажойиб бир муваффақият билан ўтказдимки, ассистентларим олқишлаб, гулдурос чапак чалиб юборишди. Ана ўшанда уларга операция қилишни яна бир марта кўрсатиш учун томоғингиздаги безларни ҳам олиб ташлагандим.



КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

— Қулоғингизни нима билан шунчалик куйдириб олдингиз?

— Кўйлагимга дазмол ураётгандим, бирдан телефон жириглаб қолди. Шунда гўшакнинг ўрнига дазмолни қудоғимга босибман...

ФАҚАТ ЧЕТ ЭЛНИКИ БУЛСИН

— Ўғлингизни анестезия¹ қилишга тўғри келадими.

¹ Анестезия — беҳуда қилиш; этни ўлдириш.

— Фақат, илтимос, чет элники бўлсин. Агар сизда бўлмаса, эрим топиб келади.

ТИББИЕТ ОЖИЗЛИК ҚИЛГАНДА

Икки кекса врач учрашиб қолишди. Улардан бири ўз беморининг барча текширишлар натижасига кўра аллақачон ўлган бўлиши кераклигини, бироқ у ҳалиям тириклигини, бунинг устига ҳали яна кўп йиллар яшамоқчи, эканлигини айтиб берди.

— Бу, — деди иккинчи врач, — агар касал ҳақиқатан ҳам яшаш иштиёқида бўлса — тиббиёт ожизлик қилишини яна бир карра исботлайди.

ИЛГАРИЧИ?...

- Бошим жудаям қаттиқ оғрияпти.
- Кўпдан бери оғрийдими?
- Назаримда, туғилганимдан бери.
- Ундан олдин оғримаганми?

БУЮРТМА

— Ҳурматли нотариус жаноблари, васиятномамнинг охирига тобутимни кўтаришаётганда оркестр чалиб турилиши шартлигини қўшиб қўйсангиз.

— Бу ўз-ўзидан маълум нарса-ку! Фақат айтинг, қанақа куйни эшитмоқчисиз?

СОҚОЛДОРЛАРИ МАЪҚУЛ

Парижда практика ўтказаятган тиш доктори мухбирлар билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, деди:

— Соқолдор беморларни мен бажони дил даволайман. Уларнинг тишларини суғураётганда соқолларидан ушлаб туриш қулай-да.

СИРЛИ ҒОЙИБ БУЛИШ

Ҳайвонот боғининг хизматчиси баҳайбат тимсоҳнинг очиқ оғзига тикилиб турарди.

— Унга нима бўлибди? — сўради томошабинлардан бири.

— Ҳозирча ҳеч нарсани билмайман... Ярим соатдан ошди, лекин доктор нимагадир ҳалиям унинг ичидан қайтиб чиқмаяпти.

УЛГУРИШИ КЕРАКМИШ...

— Нима учун Мак Грегор сеңга жўдаям бахилга ўхшаб кўриняпти?

— Бахил бўлгандан кейин бахил-да. Яқинда ў аптекамга кириб келди-да, заҳар ичмоқчилигини айтиб, аста таъсир қилувчи заҳардан беришимни сўради. Биласанми, бунақанги заҳар унга нимага керак экан: бўшаган шишачани яна қайта топширишга улгуриши учун...

ҲАҚҚОНИЙЛИК

— Ҳурматли судья, мижозим икки хил шахсли бўлганидан азоб тортади, шунинг учун унга мурувват қилишингизни илтимос қиламан.

— Яхши, буни ҳисобга оламан. Менинг ўйлашимча, унинг ҳар бир қисмига беш йилдан берилса кифоя қилди.

ТУРЛИ ҲОЛАТЛАРДА

ТАЪСИРЧАН ЕРДАМ

— Сода борми?

— Кейинги ҳафтада бўлади.

— Лекин менинг жиғилдоним ҳозир қайнаяпти-да!


— Жиғилдонингиз қайнашини бир ҳафтага тўхта-тиб тура оладиган дори беришим мумкин сизга.

ЖАҲОН РЕКОРДИ

Машҳур спортчи оғир бетобланиб қолди. Доктор унинг ҳароратини ўлчаб кўрди-да:

— У-ҳу! — деб юборди.— 39,2° га чиқиб кетибди-ку.

— Жаҳон рекорди қанча? — ҳаяжонланиб сўради бемор.



ФАН МУЪЖИЗАСИ

Автомобиль фалокати туфайли қўли қаттиқ шикастланган бемор соғая бошлади. Ҳамшира унинг ярасини боғлар экан, деди:

— Бу қўлингиз билан энди ҳамма ишни қилаверасиз, ҳатто уларни олдингидан ҳам яхшироқ бажарасиз.

— Рояль ҳам чала оламанми?

— Рояль ҳам чала оласиз.

— Ана мўъжиза-ю, мана мўъжиза. Ахир илгари мен чалишни мутлақо билмасдим-а.

НУМИЗМАТ

— Тезроқ келинг, доктор. Қизим олтин тангани ютиб юборди.

— Ёши нечада?

— 1814 йилда зарб қилинган.

ОГОҲЛАНТИРИШ

Касалхонага келтирилган беморнинг кўйлагига қадалган хатда шундай дейилганди:

Ҳурматли врачлар! Тутаётган хуруж кўричакники эмас, тутқаноқники, шуни ҳисобга олсангиз. Кўричагим уч марта олиб ташланган...



ХАВФЛИ ТАСОДИФ

Бир микроб бошқасини учратиб қолиб, деди:

— Негадир бугун кўринишинг яхши эмас. Нима бўлди сенга?

— Яқинлашма. Назаримда менга пенициллин текканга ўхшайди.

ҲИСОБДАН ЯНГЛИШУВ

— Ҳисобимизда ўлганлар нечта?

— Тўққизта, жаноб доктор.

— Лекин эсимда бор, ўнта рецепт ёзиб бергандим.

— Унингчиси дори ичишни хоҳламади.

ЧАЛКАШТИРИШ

У мусиқачилар орасида медик, медиклар орасида эса мусиқачи, деб игво тарқатишибди. Улар Бах таёқчаси билан Қох мусиқасини чалкаштираяптилар.

КОНЦЕРТДА

Врач ёқимсиз овозда куйлаётган аёлнинг қўшиғига қулоқ солар экан, хотинига шивирлади:

— Бу камдан-кам учрайдиган астма тури, қачонлардир мен унга дуч келгандим.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК

— Қачон қараса, соғлиғим михдек, деб мақтанардинг. Кеча ўзим кўрдим-ку, врач томирингни қандай текшираётганини...

— У шунчаки соати тўғри юраяптими-йўқми эканлигини менинг томирим уришига қараб, текшириб кўрмоқчи бўлганди.

ЗАРУРИЯТ ТУФЎИЛИ

Бир хоним жарроҳ ҳузурига келиб, ўзини бирор-бир энгилроқ операция қилиб қўйишини илтимос қилди.

— «Бирор-бир» операция деганингиз нимаси? — ажабланди врач.

— Биласизми, танишларимникига борганимда бўлаётган гап-сўзларга сира қўшила олмайман. Бойси, мени ҳеч қачон операция қилишмаган, шунинг учун бу ҳақда ҳеч нарса билмайман.

АДАШТИРИБДИ

— Эшитдингми? Дина ветеринарга турмушга чиқаяпти!

— Вой тентағей! Келиб-келиб, чолга тегаяптими?

— Сен ветеринар билан ветеранни адаштиряпсан. Ветеринарлар — ҳеч қачон гўшт емайдиган кимсалар бўлади.

БИРДАН-БИР ҚИЙИНЧИЛИК

Қасалхонага тушиб қолган ходимни кўргани ҳамкасблари келишибди.

— Сизлардан биронтангизга энди ортиқча ишлашга

тўғри келаётган бўлса керак, — деди бемор заиф товуш-да.

— Ташвишланаверма, ошна, — унга тасалли беришди дўстлари. — Бутун бўлим ходимлари сен қиладиган ишни тенг бўлиб оладиган бўлдик. Лекин сен ўзи нима иш билан шуғулланишингни асло эслолмаяпмиз.

ДАЛИЛ

— Бу дори ҳақиқатан ҳам яхши ухлатадимиз?

— Ҳа, сэр. Биз ҳатто унинг ҳар бир шишасига будильник қўшиб сотишга мажбур бўлаяпмиз.

ЭНГ АВВАЛ...

Доктор:

— Модомики, сиз ҳузуримга биринчи бўлиб келган экансиз, ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг.

Бемор:

— Бажони дил. Шундай қилиб, худо таолло дастлаб осмон билан ерни яратди....

ЙУҒИДАН БОРИ ЯХШИ

Денгиз касалидан қийналаётган йўловчи матросга мурожаат қилди:

— Олдинда бирор-бир ер кўриняптими?

— Йўқ, олдинда фақат уфқ бор.

— Шунисегаям шукур, ҳар қалай ҳеч нарса йўғидан кўра ниманингдир бори яхши.

ТАҲЛИКАДАН ҲОЛИ ЭМАСМИ?

Биолог-олим талабаларга маъруза қиляётганди:

— Мутлақо шу нарса аниқки, ҳар қандай жонзот ҳаётида дастлабки икки соат унинг учун ўта хавфли давр ҳисобланади...

Шу пайт талабалардан бири унинг гапини бўлиб, савол берди:

— Сўнгги икки соат ҳам худди мана шу хавф-хатардан ҳоли эмас, деб ўйламайсизми?

ТАШХИС (ДИАГНОЗ)НИНГ ҚУДРАТИ


ТАЪҚИҚ

Врач беморга маслаҳат бера бошлади:

- Сиз чекишни дарҳол ташлашингиз керак.
- Мен чекмайман, доктор.
- Бир грамм ҳам спиртли ичимлик ичишингиз мумкин эмас!
- Мен мутлақо ичмайман.
- Сиз фақат гўштсиз таомларни ейишингиз керак.
- Гўштни кўрарга кўзим йўқ.
- Жин урсин, ўзи бирор-бир нарсани ёқтирасизми?
- Картошкани...
- Бўлмаса, гап бундай, бугундан бошлаб картошканинг на қовурилганини, на қайнатилганини, умуман, ҳар қанақанги картошкали овқатни ейишингизни таъқиқлайман.

ҚУРБОН

- Унинг ошқозонига нима қилибди, доктор?
- Очкўзлик қурбони бўлибди. У юраётганда ҳам, учаётганда ҳам, чопаётганда ҳам ўзини овқатдан тия олмасди. Мана энди, борадиган жойига бориб бўлибди...



ОДАТГА КҮРА...

Врач ҳамширага деди:

- Беморга қўшимча таом — кефир ёзиб беринг.
- Хўп бўлади, доктор. Ош қошигида бир кунда уч маҳал ичиладими?

ДЕЙДИЛАРКИ...

— Бир марта бўса олганингда беш миллион микробни унга юқтирасан. Иккинчи томондан эса, айти пайтда, ўзинг шунча микробдан қутуласан...

АНТИҚА ҲОЛАТ

Очиқ денгизда кемада кетаётган офицер касал бўлиб қолди. Врач беморни текшириб кўрди-да, оғир ўйга толди.

— Доктор, айтингчи, бирор жиддийроқ хавф борми? — деб сўрашди ундан.

— Йўқ... Фақат бунақанги касаллик юз берганда биз, одатда, денгизда саёҳат қилишни маслаҳат берардик...

ҚАТТИҚРОҚ ЙЎТАЛАСИЗ

Бемор терапевт врачга мурожаат қилди:

— Доктор, қулоғим оғир бўлиб қолди. Кейинги пайтларда аҳволим шунақанги чатоқ бўлаяпти-ки, ҳатто ўзимни йўталганимни ҳам эшитмаяпман.

Врач рецепт ёзиб бериб деди:

— Мана, месъё, сизга ҳаб дори ёзиб бердим, уни кунинга уч маҳалдан ичасиз.

— Шунда қулоғим эшитадиган бўладими?

— Йўқ. Лекин сиз қаттиқроқ йўталадиган бўласиз.



БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

ТИШЛАР ХУСУСИДА

Ўқитувчи:—Одамда энг кейин қайси тишлар чиқади?
Бобби: — Сунъий тишлар, сэр.

ЭҲТИЕТКОРЛИК

Она деразадан тўрт яшар ўгли ўртоғини белкурак билан ураётганини кўриб қолди.

— Нима қилаяпсан, ярамас! — деб қичқирди у ўглига. — Уни уриб, майиб қилиб қўйсанг, докторга боришига тўғри келади-ку. Кейин бунинг учун бизни ҳақ тўлашга мажбур қилишади.

— Йўқ, ойижон, тўлашга мажбур қилишмайди. У бари-бир докторга бориши керак—у шундоғам тумов ўзи.

БИРОВНИНГ НОМИДАН...

Тиш докторининг кабинетига икки қиз кириб келди. Улардан каттароғи қатъий қилиб деди:

— Доктор, тишни олиб ташлаш керак. Фақат оғриқсизлантиришга вақтни беҳуда ўтказманг, мен шошиб турибман.

— Жудаям ботир экансан-ку! — деди врач завқланиб, — Қани, ўша тишингни бир кўрайчи.

— Қани, бўл, — деди қиз ўзидан кичигига, — докторга қуртлаган тишингни кўрсатчи дарров...


КАСАЛЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Вовочка ҳар қошиқ йўтал дорисини ичиб бўлгач, бир бўлак шоколад оларди. Йўтали қолди, бироқ шоколадни кўп еганидан қорнида оғриқ пайдо бўлди. Оғриқ қолдирувчи дорининг ҳар қошиғини ичгандан кейин у энди иккитадан музқаймоқ ея бошлади. Пировардида шамоллаб қолди. У яна ҳар қошиқ йўтал дориси учун шоколад беришларини талаб қила бошлади...

САБАБИ АНИҚ

- Ҳозир, болагинам, сенга термометр қўямиз.
- Термометрни хоҳламайман.
- Нима сабабдан?

— Уни қўйди дегунча, иссиғим бирданига ўз-ўзидан кўтарилиб кетаверади.



КАМ УЧРАЙДИГАН ВОҚЕА

Бир болани ақлий ривожланиши қай даражада эканлигини аниқлаш учун руҳий касаллар врачлари ҳузурига олиб келишди.

Врач уни саволга тута бошлади:

— Мушукнинг нечта қулоғи бор?

— Иккита.

— Панжаси-чи?

— Тўртта.

— Мушук қанақа қилиб миёвлайди?

Шунда бола отасига ўгирилиб, деди:

— Дада, бу тентак одам умрида мушукни кўрмаганми?

ШАРТ ЭМАС

— Боғчангда бугун нима иш қилдинг?

— Санитар бўлдим, болаларнинг қўли тозами-йўқми — текшириб кўрдим.

— Ўзинг қўлингни ювдингми?

— Нимага ювишим керак? Ахир мен — навбатчи эдим-ку.

УНДАН ОЛДИНРОҚ...

Люса бармоғини кесиб олди.

— Ҳозир бармоғингни ўпиб қўйсам, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасан, — деди онаси.

— Бўпти, онажон, — деди қизча. — Фақат, олдин йод суркаб қўяйлик.

ЯНГИ УКА ҲАҚИДА

Кичкинагина Ясь янги укасини кўриш учун отаси билан туғруқхонага борди. Санитарка чақалоқни олиб чиқ-



ди, унинг қўлчасида номери осифлиқ турарди. Буни кўрган Ясь:

— Дада, дада, буни қаранг, — деди, — у ҳали жудаям янги экан. Ҳатто баҳосиниям олиб ташлашмабди.

СОАТИНИ ТЕКШИРДИ

Буви неварасидан қизиқиб сўради:

— Хўш, доктор сени нима қилди?

— Деярли ҳеч нарса. Қўлимдан ушлади-да, соати тўғри юраётганини билиш учун унга қаради.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЕТИДАН

ИЧКИ ДУНЕ ҲАҚИДА

А. П. Чехов врач сифатида А. М. Горькийни даволарди. Муолажа тугагач, Горький деди:

— Хўш, доктор, мана энди сиздан яширадиган сирим қолмади. Менинг ички дунёимни сиз мутлақо билиб олдингиз.

— Умуман-ку, шундай... Муқовасоз ҳам китобларни муқовалай туриб, уларнинг ичида ёзилганларни худди шундай билиб олади...

ТОПОЛМАДИ

Буюк бактериолог Кохнинг лабораториясига ёш врач кириб келди. Бу пайтда олим кастрюлькада ниманидир қайнатаётганди.

— Кастрюлькада нима борлигини биласизми? — деб сўради Кох.

— Стрептококклар — йирингли яллиғланиш бактериялари, — деди врач ҳурмат билан.

— Йўқ.


— Вабо вибрионими?

— Йўқ.

— Сил таёқчаларими?

— Бу ҳам эмас. — Шундай деб, Кох кастрюлька қоп-

қоғини кўтарди-да, кулимсираб деди: — Бундаги, йигитча, сосискалар...



ПОДАГРАНИНГ ДАВОСИ

Кунларнинг бирида семиз бир фабрикант С. П. Боткидан подаграга даво бўладиган бирор тузукроқ дорини билмайсизми, деб сўради.

— Биламан, — деди Боткин. — Кунда фақат бир сўмга яшаш керак, бунинг устига ўша бир сўмни ҳам ўзингиз меҳнат қилиб топишингиз лозим.

ФАҚАТ БИР КИШИ БИЛАРДИ...

Профессор Вирхов бўлажак медикдан сўради:

— Организм ҳужайралари қандай пайдо бўлган?

Талаба узоқ вақт чурқ этмади, кейин деди:

— Билардим, фақат ҳозир эслолмаяпман.

— Тентак, эслаб кўр! — бақириб юборди профессор. — Дунёда буни фақат битта одам биларди, у ҳам буни эсидан чиқариб юборган!

ҚАДИМГИ ЕРИҚЛАР

Гейне: «Дунё бўлақларга ажралиб кетди, унинг ёриқлари эса шоирнинг юраги орқали ўтади...» — деган эди. энди бу ҳолни инфаркт деб аташади.

Веналик ёзувчи Петр Альтенберг ўзини ёмон ҳис қилаётган эди. Врач унга спиртли ичимликдан ва тамаки чекишдан дарҳол воз кечишни маслаҳат берди. Шунда Альтенберг индамай шапкасини, пальтосини қўлига олди-да, ҳайр-маъзур қила бошлади.

— Қечирасиз, берган маслаҳатимнинг ҳақини ким тўлайди? — ҳайратланиб сўради врач.

— Нима учун ҳақ тўлашим керак? — ажабланди ёзувчи. — Мен сизнинг таклифингизни қабул қилганим йўқ-ку.

ЯГОНА ТЕНТАК БЎЛМАСЛИҚ УЧУН...

Инглиз жарроҳи Листерни ярим тунда бир бадгумон мансабдор миждонинг уйига чақирди. Борсаки, сабабсиз чақирдишган — «беморда» ҳеч қандай касаллик белгиси йўқ.

— Сиз васиятнома ёзиб қўйганмисиз? — деб сўради жаҳли чиққан Листер.

— Сиз ўйлайсизки, жаноб доктор, демак мен... — мингиллай бошлади ранги оқариб кетган бемор.

— Ҳозироқ нотариус билан иккала ўғлингизни чақиринг.

— Наҳотки аҳволим шу даражада жиддий бўлса.

— Йўқ, унчалик жиддий эмас, лекин мен ярим кечада уйқудан уйғотилган ягона тентак бўлиб қолишни хоҳламайман.

АНИҚ ХАВФ

— Ҳозир тиббиётга оид адабиётлар тўлиб-тошиб ётганда докторларнинг нима кераги бор? — деди бир хоним машҳур немис врач Завэбрух иштирок этаётган бир йиғилишда.

— Фақат эҳтиёт бўлнинг, бекам, — деди унга жавобан олим кулимсираб, — матнда бирорта хато ўтиб кетган бўлса, ўлим юз бериши мумкин. Ана шунинг учун ҳам докторлар керак.

МУЛЗАМЛИК

Амнистиядан кейин чет элда яшаётган декабрист Волконский ўз замонасининг машҳур врач — дрезденлик профессор Вальтерга мурожаат қилди.

— Агар яшашни истасангиз, — деди у, — оёқларингизни кесиб ташлаш керак.

— Мана хавфли белгилари, — деб Волконскийнинг қизига қариянинг оёқларидаги кўк ва тарам-тарам қизил чизиқчаларни кўрсатди.

— Ахир булар йўл-йўл носкининг излари-ку! — деди қиз ва шу заҳотиёқ илиқ сув ва совун билан уларни ювиб ташлади.

Мулзам бўлган профессор ва унинг ассистентлари чиқиб кетишди.

ҲАМҚАСБ...

Айтишларича, унчалик истеъдодли бўлмаган бир физик Эйнштейнни ўз ҳамкасбим деб атаган.

— Ростданми, — ҳайратланиб деди Эйнштейн, — сиз билан ҳамкасбимизми? Нима, сиз ҳам ревматизмдан азоб чекасизми?

АСТА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЗАҲАР

Врач машҳур француз ёзувчиси Фонтенеллни қаҳва ичмасликка, бу унинг учун заҳар эканлигига ишонтирмоқчи бўлди.


— Ўзим ҳам шундай деб ўйлайман, — врачнинг фикрини маъқуллаб деди ёзувчи. — Лекин у жудаям секин таъсир қилувчи заҳар, чунки уни саксон йилдан бери ичаман...
Фонтенелль юз ёшгача умр кўрди.


ҚОБИЛИЯТЛИ БЕМОР

Таниқли рус педиатри Нил Фёдорович Филатов бир бемор боланинг ёнида доналари тикиб қўйилган шахмат тахтасини кўриб қолди ва уни бир қур шахмат ўйнашга таклиф қилди. Бир неча дақиқадан сўнг врач мот бўлди.

Шундан сўнг Нил Фёдорович ҳар гал болани кўргани кирганда у билан шахмат ўйнар ва бирдай унга ютқазарди.

Бу қобилиятли бемор бола кейинчалик машҳур шахматчи бўлиб етишган А. А. Алёхин эди.





БАМАЪНИ МАСЛАХАТ

Ёзувчи Александр Серафимович Максим Горький билан адабиёт ҳақида суҳбатлашиб ўтирарди.

— Бирдан, — деб ҳикоя қилади Серафимович ўз эсдаликлариди, — Горький ўрнидан туриб, ўзининг узун ва бақувват қўлларини олдинга чўзганча, бир неча марта ўтириб турди. Кейин қўл мушакларимни пайпаслаб кўриб, деди:

— Мушакларингиз ҳеч нарсага ярамайди... Гимнастика билан шуғулланмас экансиз. Лекин шуғулланиш шарт!

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ...

Бой бир немис ҳамюрти — лейпциглик машҳур жарроҳ Тиршга мурожаат қилиб, ўша пайтда номи тилга тушган парижлик врачга тавсиянома ёзиб беришини сўради.

— Парижда биринчи жарроҳ деб Дуайнни ҳисобласа бўлади, — деди бунга жавобан Тирш.

— Унга учрашиш учун ёзма тавсиянома керакмасми?

— Йўқ. Унинг олдига борингда, касалман, Лейпцигдан келдим, денг.

— Бор-йўғи шуми?

— Ҳа. Кейин у сизга шундай жавоб қайтаради: «Вой, тентаквой-эй! Лейпцигда яшасангиз, нега Тиршга операция қилдирмадингиз?».

400 ЙИЛДАН СЎНГ

Француз ваҷри, рассоми ва ҳайкалтароши Торийон голландиялик машҳур рассом катта Питер Брейгелнинг асарларини ҳайратланиб томоша қиларди. Торийонни, ваҷр сифатида, рассом ўз қаҳрамонларининг касаллик белгиларини ўта аниқлик билан ифодалагани лол қолдиргани.

Чеҳрасининг жиддийлигига, айниқса, бошини буриб туришига кўра Брейгелнинг «Подачи»си шубҳасиз кар эди. «Деҳқон аёл» расмидаги қаҳрамоннинг қилтомоқ касаллиги белгилари, «Болалар ўйини» даги боланинг қалқонсимон бези касал экани... аниқ кўриниб турарди...

Шундай қилиб, рассом қаҳрамонларига 400 йилдан сўнг ташхис қўйилди.

ЖУЯЛИ ФИҚРЛАР

КИМ УХЛАМАСА...

— Кимда-ким ухламаса, у асабийдир, асабий киши эса жунжикиб юради, жунжикиб юрувчи эса шамоллашга мойилдир, — шамоллаш касалига мойликни машҳур рус терапевти Г. А. Захарьин шундай таърифлаган эди.

СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛИ

Қизиқчининг шаҳарга келиши одамлар соғлиғи учун ўнта хачирга ортилган дори-дармондан кўра фойдали.

Сиденгам

АГАР...

Агар таом умрни узайтирганда эди, очофатлар ҳаммадан кўп яшаган бўлардилар.

КАСАЛЛИКМИ ЕКИ...

Асаб касалликлари ва асабий беморлар сони эмас, балки ушбу касалликни кузатишга қобилиятли бўлган ваҷрлар сони кўпайди.

А. Чехов

МАСЛАҲАТ БЕРИШ ОСОН

Соғлом одамнинг беморга яхши маслаҳатлар бериши оёондир.

*Теренций, қадимда шухрат қозонган
комедиянавис драматург*

БУРУН

Мухбир машҳур кино актрисаси Брижжит Бардодан ҳозирги замон пластик жарроҳликнинг имкониятлари тўғрисида у қандай фикрда эканлигини сўради.

— Жарроҳ, — деди Брижжит бунга жавобан, — инсон бурнидаги ҳамма нуқсонни йўқотишни урдасидан чиқа олади. Аммо фақат бир нарсани — унинг бошқалар ишига суқулишини тузата олмайди.

УЧ ЕРДАМЧИ

Ўтган асрнинг таниқли врач Ф. П. Гаазга ёрдам беришини сўраб, дўсти мурожаат қилди. У тез-тез тоби қочиб туриши ва дармонсизлигидан шикоят қилди. Гааз уни диққат билан текшириб кўрди-да, шундай рецепт ёзиб берди: «Учта нарса сенга ёрдам бера олади: қувноқлик, дам олиш ва меъёрида овқатланиш».

БИЗ — УЧТАМИЗ

Табиб беморга деди:

— Мана, қара, биз учтамыз — мен, сен ва касаллик. Агар сен мен томонда бўлсанг, икковимиз унинг бир ўзини енгишимиз осон бўлади. Лекин сен касал томонга ўтиб олсанг, икковингни енгишга бир ўзимнинг кучим етмайди.

Абу Али ибн Сино

МУҲИМ БЕЛГИЛАР

Жарроҳда бургутнинг кўзи, аёлнинг қўли ва шернинг юраги бўлмоғи керак.

Д. Рей

ЯХШИ ТИЛАКЛАР

ШАРҚОНА ТИЛАК

Илоё, бошингиз оғриш деган нарсани ҳеч қачон билмасин, барча дарду оғриқларингиз итларга ўтсин...

ЎЗИ АЙБДОР

— Бугун туни билан мижжа қоқмадим — ҳеч ухлай олмадим.

— Айб ўзингда. Ухлашни хоҳлайсанми — энг аввало кўзингни юм.

УНДА ТРАМВАЙДА ЮРИНГ

Бемор семизлигидан врачга шикоят қилди.

— Энг ёмони — ҳали ҳам семиришда давом этаёрман.

— Бу ҳеч гап эмас, тузатса бўлади, — деди врач. — Сиз пиёда юришингиз, ўзингизни уқалатишингиз керак.

— Шундоғам мен ҳар кун ишга пиёда бораман!

— Унда... энди трамвайда юришни машқ қилиб кўринг.

ХИЗМАТ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА

Англияда грипп эпидемияси авж олганди. Шу муносабат билан инглиз флоти бўйича касаллик юз берганда даволаш воситаларидан қандай фойдаланиш тўғрисида фармон чиқарилди:

«Офицерларга: аспирин ва виски. Жуда оғир ҳолларда, — ўринда ётиб даволаниш режими.

Кичик офицерларга: аспирин. Жуда оғир ҳолларда — виски.

Матросларга: жуда оғир ҳолларда аспирин берилсин».

ДАРГУМОН

— Қадрли дўстим! Агар асабингизни тинчлантирмоқчи бўлсангиз, ишлаётганингизда чекинг.

— Бунинг уддасидан чиқишим даргумон. Мен — говвосман.

КҮНГИЛДАГИ ГАП

— Сизга берадиган энг яхши маслаҳатим шу: бирор-бир денгизга боринг. Уддасидан чиқа оласизми?

— Бўлмасамчи. Менинг ўзим матрос бўлиб хизмат қиламан-ку.

УНҒАИСИЗЛИК

— Шу касалингиз туфайли бошқа бирор кишига учрашганмидингиз.

— Ҳа. Аптекачининг олдига киргандим. Маслаҳатни у берганди.

— Сизга қанақанги аҳмоқона маслаҳат берганини тасаввур қиляяпман.

— У сизга мурожаат қилишимни маслаҳат берганди.

ҲАР ТҮРТ СОАТДА

— Миссис Смит, — деди врач, — сизнинг эрингиз дам олиши ва мутлақо тинч бўлиши зарур. Мана, бир нечта тинчлантирувчи ҳаб дори, сизга маслаҳатим, ҳар тўрт соатда улардан биттадан ичсангиз фойдали бўлади.

УРИНЛИ ЭМАС

— Энди сизга энг муҳими — ҳаяжонланмаслик. Кўнгилсиз учрашувлардан, гап-сўзлардан ўзингизни олиб қочинг. Масалан, айтайлик, уй-жой маҳкамаси бошлиғининг олдига шикоят қилиб бормоқчи бўлсангиз, яхшиси борманг, у билан гаплашманг.

— Яхши, гапингизга тушундим. Фақат келтирган мисолингиз жудаям ўринсиз. Чунки менинг ўзим уй-жой маҳкамасининг бошлиғиман.

ЕРДАМ БЕРАДИ

Шоир врачга арз қилиб келди:

— Профессор, сиздан ўтиниб сўрайман, менга ёрдам беринг! Ярим кечагача шеър ёзган кунларим эрталабгача мижжа қоқмай чиқаман.

— Сиз, отагинам, яхшиси, ёзган шеърларингизни кечаси ўқишни синаб кўринг, бу албатта ёрдам беради, деб ўйлайман.

ХУЛОСА

— Мен аллақачон икки врач ҳузурида бўлдим. Улардан бири пиёда кўп юришим, иккинчиси курортга боришим кераклигини айтди. Сиз қандай маслаҳат берасиз?

— Курортга пиёда боринг.



ДУСТОНА МАСЛАҲАТ

Врач беморга деди:

— Сизга мутлақо тинчлик зарур, зўр бериб ишлаш, шошилиш мутлақо мумкин эмас. Яна бир маслаҳатим: тезроқ ишга тушинг.

КАСБ-КОР ДАВОЛАЙДИ

Врач беморга тасалли бериб, деди:

— Менга ишонаверинг, сизга ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ. Фақат сизга тоза ҳаво зарур. Сизга кўпроқ юришни маслаҳат берардим. Дарвоқе, ким бўлиб ишлайсиз?

— Почтальон.

Бир жанжалкаш аёлдан сўрашди:

— Нимага сен ҳа деб бақираверасан?

— Докторнинг гапига қараганда, — деди у бунга жавобан, — агар бақирмасам, ёввойи ўрдаклар ҳам чирқиллашда менинг олдимда ип эшолмай қоларкан.

ДУСТОНА МАСЛАҲАТЛАР

Энг яхши даво — оғриқдан шикоят қилмасликдир.

* * *

Терини алмаштириш эмас, ювиб туриш керак.



* * *

Нафас олгач, нафас чиқаришни унутманг.

* * *

Ичаётган одамни ичган одамдан эҳтиёт қилинг.

* * *

Тунда ухлай олмасангиз — кундуз кунни ухланг...

* * *

Дорини, яхшиси, бошингиз оғришидан 10 — 15 дақиқа олдин ичинг.

* * *

Қуёшда баданингизни узоқ вақт тоблаган, натижада терингиз қизарган бўлса нима қилиш керак? Баданингизга қатиқ суртиб чиқинг. Қатиқ йўқ бўлсачи? Унда баданингизга янги соғилган сутни суриб, то у ачигунча кутинг.

* * *

Агар шамоллаб қолиб, йўталаётган бўлсангиз, кинога эмас, поликлиникага боринг. Сизнинг йўталишингизни томошабиндан кўра, доктор эшитгани маъқул.


ТАЛАБА МЕДИКЛАРНИНГ ҚАСАЛЛИК ВАРАҚАСИГА ЕЗГАН БИТИКЛАРИДАН

Беморнинг хотини, иккита қизи ва човида даббаси бор экан.

* * *

Беморнинг расмий сийдиги 1,5 литр, бундан ташқари ўрнига ҳам сийиб қўйган...

Киндик соҳасида ўтмас оғриқлар бор, жумадан бошлаб.



* * *

Тери тасвирли, унда еттита нота чизиги ва ми, соль, си деган нота сўзлари, шунингдек, чиқиб келаётган қуёшнинг бир қисми бўлиб, у қирқилган.

* * *

Уринда ўзини фаол тутати.

* * *

Беморнинг иши тез-тез йўлакка чиқиш билан боғлиқ. (Гап дарбон ҳақида кетаяпти).

* * *

Бемор жаҳолати қўзиган ҳолатида ўзини ўзи тишлари билан жароҳатлаган. Беморнинг тишлари тўлиқ эмас.

* * *

Бемор ўз касалини еган овқатига боғляпти — кеча ичиб, ишлаб чиқаришда ётган колбасани газак қилган.

* * *

Навбатчининг гапига кўра ҳамширага бобо қичқирган, бироқ тўсатдан тинчланиб қолган.

* * *

Қайт қилмагану, қусгиси келган.

* * *

Беморнинг аҳволи қониқарли, ҳарорати нормада, ичи келмаган, профессор касалларни кўриб чиққан.

ИМТИҲОН ТОПШИРУВЧИЛАР ВА ИМТИҲОН ОЛУВЧИЛАР

Кексалик фақат ёш ҳодисаси туфайли қелиб чиқади.

* * *

Эмбриологлар инсоннинг умуман, суяклар билан туғилишини исбот қилишган.

* * *

Профессор:

— Даволашнинг биринчи назариясини яхши биласиз. Энди иккинчисини айтиб беринг.

Талаба:

— Иккинчисини мен тан олмайман.

* * *

Бемор совқотганда билинар-билинмас титроқ бошла-
нади.

* * *

Еш болалар кўпроқ касал бўладилар, чунки улар ҳа-
ёт йўлларида ниманки учраса, ҳаммасини оғизларига ти-
қаверадилар.



* * *

Шок ҳолатида соч тикка бўлиб кетади.

* * *

Профессор:

— Кислород — барча жонли мавжудот учун зарур.
Усиз ҳаёт бўлиши мумкин эмасди. Кислород бундан ати-
ги юз йил илгари кашф этилган.

Талаба:

— Кислород кашф этилмасдан олдин ерда қандай
ҳаёт кечирнган?

* * *


— Сув билан даволашнинг қандай турларини била-
сиз?

— Ювиниш, баданни ҳўл сочиқ билан артиш, чўми-
лиш!

— Яна?

— Сувга шўнғиш.

* * *



Фармакологиядан имтиҳон бўлаяпти.

— Беморга ушбу дорининг қандай дозасини берган бўлардингиз?

— Ош қошиғида берардим.

— Раҳмат. Энди кетаверсангиз бўлади.

Талаба чиқиб кетди, бироқ зинага етганида адашганини тушуниб қолди-да, орқасига қайтиб кирди.

— Кечирасиз, мен янглишибман. Мен беморга фақат беш томчигина беришим керак эди.

— Афсуски, энди кеч бўлди, — деди профессор хўрсиниб. — Сизнинг беморингиз аллақачон нариги дунёга равона бўлди.

* * *

— Чақалоқ эмган кўкрак сутининг миқдорини қандай қилиб билса бўлади?

— Бунинг учун эмизшдан олдин ва эмизгандан кейин онанинг кўкрагини тортиб кўриш керак.

ГАБРОВА ЛАТИФАЛАРИ

ТУШУНМАДИ

— Отам ақлдан озиб, унинг бутун бойлиги менга қолди.

— Бундан чиқдики, унинг қарзларини энди сен тўларкансан-да?

— Сен менинг гапимга тушунмадинг: мен эмас, отам ақлдан озган.

ТАШХИС

Габровалик бир врачдан сўради:

— Нима учун сиз беморларни кўраётганингизда ҳамиша уларнинг нималар билан овқатланишига қизиқасиз? Қасалликни аниқлаш учун бунинг аҳамияти борми?

— Ташхис учун бунинг аҳамияти йўқ! Лекин менга тўланадиган ҳақни аниқлаш учун, албатта, аҳамияти бор!...

ТЕЖАМҚОРЛИК

Тоғда яшовчи бир кишининг хотини касал бўлиб қолди. Пул ишлатишга унинг кўзи қиймасди, бироқ беморнинг аҳволи танглашиб қолди. Нима ҳам қила оларди? Мажбур бўлиб, врачни чақириб келиш учун кечқурун шаҳарга йўл олди. Бироқ ярим йўлга етганда нимадир эсига тушиб қолди-да, уйига қайтиб келиб, хотинига деди:

— Гапимга қулоқ сол, Пена, агар умринг тугаётганини сезсанг, лампани ўчириб қўй. Керосин бекордан-бекорга исроф бўлмасин.

ФОЙДАСИ ИУҚ

— Оҳ, бошимга кулфат тушиб қолди! Болам йигирма тийинлик тангани ютиб юборди! Тезроқ врачни чақириб керак!

— Бундай қилиш бемаънилик бўлади! У фақат тангани чиқариб олади-да, ўзи икки левни олиб кетади.

ИУЛИНИ ТОПДИ

Бир габроваликка шишача керак бўлиб қолди. У дори шишачани топди, бироқ унда озгинагина йод бор эди. Йодни тўкиб ташлашга кўзи қиймаган габровалик бармоғини кесди-да, дорининг ҳаммасини унга қўйди, шундан кейингина шишачадан фойдаланди.

ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Габровалик бир врач ўлими олдидан хотинига деди:

— Қабрим устига албатта тегишли ёзуви бўлган ёдгорлик ўрнатгин. Халойиқ билиб қўйсин кимдан ажралганини!

У қабрга қўйилгач, хотини ортиқча сарф-ҳаражат қилишни истамади-да, уй эшигидаги — қўйидаги мазмундаги битик бор тахтачани шартта суғуриб олиб, марҳум эрининг гўри устига ўрнаштириб қўйди:

«Доктор НИКОЛАЕВ И. П.

ҳар куни соат 9 дан то 2 гача қабул қилади».

НАСРИДДИН АФАНДИ БИЛАН НИМАЛАР БУЛМАГАН...

(Халқ оғзаки ижодидан)

МУДДАТ ТУГАДИ

— А-ҳа, қўлга тушдингми? — деди Насриддиннинг дўстларидан бири. — Пиво ичаяпсан! Узинг айтгандинг, пиво ичишни доктор тақиқлади, деб. Демак, сен бюллетенни бир неча кунга чўзмоқчисан!

— Тақиқлагани тўғри. Лекин бюллетенни чўзиш тўғрисидаги гапинг нотўғри. Бундан ташқари, доктор менга ичишни тақиқлагандан кейин кўп ўтмай қазо қилди. Хўш, у ўлгандан кейин ҳам буйругига бўйсунимиз керакми?...

ЭНГ МУҲИМИ — ТЕКИНГА...

Пулга ўчлиги билан машҳур бўлган таниқли врачни учратиб қолган Насриддин қизиқсиниб ундан сўради:

— Дўхтир, масалан, айтайлик, сизнинг ўзингиз шамоллаб қолдингиз деяйлик, хўш, унда қандай даволанасиз?

Врач қандай даволанишини ипидан-игнасигача гапириб берди.

— Яхши маслаҳатингиз учун сизга катта раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Насриддин. — Энг муҳими, яна текинга-я...

РОСТ БЎЛСА...

Маърузачи шундай деди:

— Азизларим, ҳаяжонланмасликка, асабийлашмасликка, ўз кайфиятингизни бузмасликка ҳаракат қилинг. Эр-хотин ўртасидаги беш дақиқалик жанжал умрни бир ҳафтага қисқартиради...

— Агар бу гап чинданам рост бўлса, — деди Насриддин ёнида ўтирган кишининг қулоғига шивирлаб, — мен бу ерга тўппа-тўғри нариги дунёдан келиб қолган эканман-да.

ТУШУНАРСИЗ ҲОЛ

— Менинг хотинимни яхшилаб бир кўриб қўйсангиз, — дея илтимос қилди Насриддин врачдан. — Унда қандайдир ғалати одатлар пайдо бўлиб қолди.

— Хўш... Масалан, қандай одатлар?

— Биласизми, — тушунтира бошлади хотинига меҳрибон бўлган Насриддин, — илгари у чакаги чакагига тегмай жаврагани-жавраган эди, мен ҳам бунга кўникиб қолган эдим. Энди эса гапиради, гапиради-да, бирдан жим бўлиб қолади. Бунинг сабаби нимада?

МЕНГА ҚОЛГАНИ ШУ ЭКАН...

Насриддиннинг қулоғи оғриб, шишиб кетди. Унинг наштардек тилига кўп марта дучор бўлган қўшниси буни кўриб қолиб, истехзо билан деди:

— Вой-бў... Мулла Насриддин, бунақанги антиқа эшак қулоқни қаердан топдингиз?

— Э-э, сўраманг, қўшнжон, — деди унга жавобан Насриддин, — Эшакнинг миясини сиз еб қўйган экансиз, менга фақат қулоғи қолибди...

ЗАРУРИЙ ШАРТ

— Доктор, — деди кулимсираганча Насриддин, — нимага менга тилингни чиқаргин, дедингиз-у, ўзингиз унга қиё ҳам қараб қўймадингиз?



— Рецепт ёзиб бергунимча бир паст жим туришингизни хоҳлагандим, — деди врач ҳам кулимсираганча.

БИРДАН-БИР ВАСИЯТИМ...

Касал бўлиб ётиб қолган Насриддинни кўргани мулла келди.

— Э-ҳе, бунақанги касаллик билан ҳазиллашиб бўлмайди, — деди мулла. — Васиятнома ёзиб қўйдингизми ишқилиб?

— Ёзиб қўйдим, — деди Насриддин бош силкиб. — Унга кўнглимдаги бирдан-бир истагимни ёздим: тезроқ сиз уйимдан қорангизни ўчирсангиз.

ДАВОСИ ОСОН...

Насриддиннинг хотинини тўлғоқ тутарди-ю, лекин у ҳеч туға олмасди.

— Бунинг давоси осон, — деди Насриддин. — Бир лаҳзада топиб келаман буни.

Шундай деб, у уйдан югуриб чиқиб кетди-да, бир ҳовуч ёнғоқ сотиб олиб келиб, хотинининг ёнида ғамга ботиб ўтирган қариндошларига тутқазиб, деди:

— Буни хотинимнинг оёқ томонига қўйиб қўйинглар. Бола ёнғоқни кўриши билан ўзи югургилаб чиқади.

ТОПИШМОҚ

Бир киши Насриддинга деди:

— Эшитишимга қараганда, хотинингиз ақлдан ажрабди.

Насриддин унга жавоб қайтармай, чуқур ўйга чўмди.

— Нимани ўйлаб қолдингиз? — сабри чидамай сўради бояги киши.

— Уйламай бўладими, — деди Насриддин. — Хотиним туғилганда ўзи ақлсиз бўлиб туғилган, шундай бўлгач, қандай қилиб ақлдан ажраши мумкин. Мана шуни ўйлаяпман.

ЭНДИ ҲОЖАТИ ИЎҚ

Насриддиннинг хотинини юраги бирдан хуруж қилиб қолди. Насриддин ташвишланиб табибни чақириб келгани йўл олди. У эшикдан чиққан ҳам эди-ки, хуруж ўтиб кетди. Заифа дарров дераза ёнига югуриб келди-да, зин-

ғиллаганча кетаётган Насриддиннинг орқасидан бақирди:

— Яхши бўлиб қолдим. Табибни чақирмай қўя қолинг.

Насриддин унинг гапини эшитди-ю, бари бир табибнинг уйига бориб, уни чақирди. Табиб унинг олдига чиққач эса, шундай деди:

— Хотинимнинг юраги хуруж қилиб қолганди. Сизни чақиргани келаётгандим, бирдан у. деразадан: «Яхши бўлиб қолдим, табибни чақирмай қўя қолинг», — деб бақриб қолди. Энди сизнинг боришингизнинг ҳожати йўқ, шуни айтгани келгандим.

СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Насриддин ваъз айтар экан, шундай насиҳат қилди:

— Соғлиқни сақлаш учун тўрт шартга риоя қилиш зарур, яъни оёқни иссиқ, бошни совуқ тутиш, меъеридан ортиқ емаслик ва кўп ўйламаслик керак.

БУНДАНАМ БАТТАР...

Насриддин ер ҳайдаётганди. Оёғига тикан кириб кетди. У тиканни бир амаллаб чиқариб ташлаб, оёғини боғлади-да, худога ҳамду сано ўқий бошлади: «Ўзингга шукр, яхшиям оёғимда янги бошмоғим йўқ экан, бўлмаса уни тикан йиртиб юборарди...».

БЕМОРНИ ДАВОЛАШ

Насриддин касал бўлиб қолди. Уни қариндошлари кўргани келишди-ю, кетишни хаёлларига ҳам келтирмай, гаплашиб ўтираверишди. Тушлик пайти яқинлашиб қолди. Шунда Насриддин ўрнидан турди-да, уларга миннатдорчилик билдириб, деди:

—Худога шукр, сизларнинг пойқадамингиз ёқиб, тузалиб қолдим. Энди хотиржам бўлиб, уйларингизга бемалол кетаверсангиз бўлади.

ЯҚИН ОРАДА ТУЗАЛМАЙДИ...

Насриддинни бир қишлоқда мартабали азиз меҳмон сифатида кутиб олишди. Роса меҳмон қилишди. Қорни ёрилгудек бўлган Насриддин шу куни ҳаддан ташқари чарчади. Уй соҳиби унга олти яшар ўғли ётадиган уйга жой солиб берди. Насриддин бошини ёстиққа қўйиши би-

лан ухлаб қолди. Бироқ ярим кечада заҳар танг қилиб уйғониб кетди. Ташқарига чиққан ҳам эдики, эшакдек ит унга ташланди. Орқасига қайтиб киришга мажбур бўлди. Кейин яна бир неча марта ташқарига чиқмоқчи бўлди, бироқ ит бунга йўл қўймади. Охири у чидай олмай, шундай кунга қолганига лаънатлар ўқиб, қовуғини болакайнинг ўрнига бўшатди.

Эрталаб уй эгалари боланинг ўрни ҳўл бўлиб қолганини кўришди-ю, ўғлимиз ҳеч сийиб қўймасди, демак у касал бўлиб қолибди, деб ўйлаб, унга ҳар хил дориларни ичира бошлашди. Буни кўрган Насриддин чидаб туролмади-да, деди:


— Уғлингиз ҳали-вери тузаладиганга ўхшамайди. Агар уйга келган меҳмонни шаробу кўк чой, ошу асал билан сийлайверсангиз, бунинг устига ҳовлингизда эшакдек қопонғич ит бўлгач, ўғилчангизга ичираётган дориларингиздан биронтаси ҳам унга наф қилишидан умид қилмасангиз бўлади.

АҚЛЛИ МАСЛАҲАТ

Бир киши Насриддинни кўриб қолиб, маслаҳат солди:

— Нимаики емай, бари бир ошқозоним ҳазм қилмапти. Нима қилсам бўларкин?

— Бундан кейин фақат ҳазм бўладиган овқатни енг, — деб маслаҳат берди Насриддин.



НАСРИДДИН — ТАБИБ

Бир қишлоққа очиқиб кириб келган Насриддин қишлоқ оқсоқоли оғир бетоб эканлигини эшитиб қолди.

— Мен — табибман, — деб эълон қилди у ўзини. — Қишлоқда касаллар борми?

Уни шу заҳотиёқ беморнинг ҳузурига бошлаб боришди. Бу пайтда уйда нон ёпишаётганди.

— Дарров иссиқ нон, сариёғ билан асал келтиринглар, — буюрди Насриддин. — Булар жудаям зарур.

У қорнини тўйғазиб, дуо ўқиди-да, деди:

— Бугун бемор анча енгил тортди, эртага келганимда ун-

да унга дори ичираман, ўшанда у ҳеч нимани кўрмаган-дек тузалиб кетади.

У ҳали гапни тугатмаган ҳам эдики, беморнинг жони узилди.

— Уни нима қилиб қўйдинг? — дод-вой кўтаришди марҳумнинг қариндошлари. — Яна, анча енгил тортди, дейишингга бало борми!

— Асти гапирманг, — деди Насриддин бунга жавобан, — буларнинг ҳаммаси қайғули. Лекин бир нарсани билиб қўйинг: агар ҳозир дуо ўқимаганимда ўзим очликдан ўлган бўлардим. Ана ўшанда, битта марҳум камдек, у иккита бўлиб қолса сизларга осон бўлармиди...

ЕҚИБ ҚОЛДИ

Насриддин табибнинг ҳузурига келиб, томирини кўриб қўйишини илтимос қилди-да, қўшиб қўйди:


— Кейин қандай касалим борлигини айтинг.

— Сиз бор-йўғи очсиз, — деди табиб, — ҳозир тушки овқат пайти, менинг меҳмоним бўлинг.

Улар биргаликда овқатланиб бўлишгач, Насриддин уйига кета туриб, табибга деди:



— Сизнинг қўлингиз жудаям енгил экан, мени бир пасда тузатиб қўйдингиз. Уйимда яна бир неча киши худди шундай касаллик билан оғриган. Уларни ҳам сизнинг олдингизга юбораман.



КУЛГУ ВА ҚУЗ ЕШИ

Бир неча киши даладан топиб олишган компасларини кўтариб, Насриддиннинг олдига олиб келишди:

— Бу қанақа нарса, нима деб ўйлайсиз?

Насриддин хаёлга толди, кейин бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Лекин орадан кўп ўтмай, кўз ёшларини қўли билан артди-да, хахолаб кулишга тушди.

— Сизга нима бўлди? — ажабланиб сўрашди ундан.

— Бир йиғлайсиз, бир куласиз...

— Олдинига, — деди Насриддин, — омилигингизга,

бу нарса нимага ишлатилишини билмаганингизга йиғладим. Кулишимнинг боиси, бу нарса нималигини ўзим ҳам билмас эканман.

БЕЧОРА...

Насриддин бир танишига деди:

— Эшитдингизми, фалончи оғайнимиз қазо қилибди. Ажал етса тани соғ ҳам, тани носоғ ҳам баробар экан. Бўлмаса, оғайнимиз умрида бирон марта дард нималигини билмаган эди-я.

— Қазо қилганини эшитмаган эканман. Нима бўлиб ўлибди?

— Нима бўлиб? — Насриддин унинг саволини такрорлади-да, давом этди: — Бечора нима учун яшаётганини билмас экан. Шунинг учун унинг ўлими сабаби тўғри-сида гапирмасаям бўлади.

МЕН ҲАМ...

Боши аралаш жағини бойлаб олган Насриддин кўчада кетаётганди, бир таниши учраб қолиб деди:

— Худонинг ўзи умрингизни узоқ қилсин. Нимага афт-башарангизни боғлаб олдингиз?

— Мана тўрт кунки,—деди Насриддин ҳасратидан чанг чиқиб,—тиш оғриғидан қутула олмаяпман.

— Агар менинг тишим оғриси, — деди Насриддиннинг таниши, — шартта олдириб ташлаган бўлардим.

— Агар сизнинг тишингиз оғриси, — деди Насриддин, — мен ҳам шартта суғуртириб ташлаган бўлардим.

ВИЖДОНЛИ ТАБИБ

Насриддиннинг улфатларидан бири табиб эди. Кунларнинг бирида улар қабристон ёнидан ўтиб қолишди. Табиб қафтлари билан юзини беркитиб олди.

— Нега юзингизни беркитиб олдингиз? — деб сўради Насриддин қабристондан ўтиб олишгач.

— Бу ерда ётганлардан уяламан, — деди табиб, — Уларнинг ҳаммаси мен берган дорини ичиб, боқий дунёга равона бўлишган.

УРИНСИЗ УҚИЛГАН ШЕЪР

Насриддин тиззаси оғриётган беморни кўриш учун борди.

— Сенинг касалинг тўғрисида,—деди у,—араб шоири Жариснинг ажойиб шеъри бор, унинг қандай бошла-нишини фақат мен биламан.

— Шу билганингни ўзинигина айтиб бера қол, — илтимос қилди бемор. Шундан сўнг Насриддин ёддан ўқий бошлади:

— Тизза оғриғига йўқдир даво...

Буни эшитган бемор шу заҳотиёқ деди:

— Бўлди, бўлди. Уша шеърнинг бир мисраси ҳам ёдингда қолмагани маъқул эди...

КҮНГИЛ СҮРАШ

Бир бой қария касал бўлиб қолди. Бунни эшитган Насриддин ҳол-аҳвол сўраш учун келди. Кетаётганда эса, беморнинг уйидагиларга таъзия билдирди.

Бола-чақалари Насриддинга дейишди:

— У киши ҳали ўлгани йўқ-ку, нимага таъзия билдирыпсиз?

— Гапимга тушунмадинглар, — деди Насриддин, — мен унинг умрбод роҳат топишини ўйлаб, сизларга таъзия билдириб, дуо ўқидим. Бундан ташқари, у ўлиб-не-тиб қолса, яна таъзия билдириш учун келишга вақтим бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳозир бир йўла ҳаммасини қилиб кетганим маъқул.

ҲОЛДАН ТОЙИШ КАСАЛЛИГИ

Ошнаси билан қўшни шаҳарга йўл олган Насриддин бирдан ўт устига ётиб олди-да, жўрасига деди.

— Мен жудаям чарчадим. Ҳолдан тойдим — шунақанги касалликни эшитганмисиз? Бунинг давоси — шу яқин-атрофдаги қишлоқдан ейдиган бирор нарса олиб келиш керак.

— Унақа бўладиган бўлса, — деди ошнаси, — ўрнингиздан турунг, гўшт олиб келинг. Мен овқат тайёрлаб бераман.

— Ахир сизга айтим-ку, — деди унга эътироз билдириб Насриддин, — касалман, ҳолдан тойганман, деб. Энди айтган нарсангизни ўзингиз олиб келишингизга тўғри келади.

Ошнаси харажат қилиб келганда Насриддин ухлаб қолганди. Ошнаси уни уйғотиб, деди:

— Гўшт, яна у-бу нарсаларни олиб келдим. Ўрнингиздан турунг-да, гўштни қовуриб енг.

— Одам деган ҳам шунчалик фаҳм-фаросатсиз бўладими? — ажабланиб деди Насриддин. — Уни пиширишга куч-қувватим йўқ. Неча марта айтишим керак — ҳолдан тойганман деб. Бунинг устига умримда кабоб пиширмаганман — гўштининг ҳаммасини куйдириб юбораман.

Ошнаси кабобни тайёрлади, пишираётганда эса Насриддинга деди:

— Барака топкур, ҳеч бўлмаса булоқдан сув олиб келиб, чой қўйиб юборинг.

Насриддиннинг пешонаси тиришди.

— Ҳолдан тойганман, деб минг марта гапиряпман, сиз эса бунинг маъносига тушуниб етмаяпсиз. Сувниям ўзингиз олиб келишингизга тўғри келади.

Ошнаси сув олиб келиб, чой қўйди. Кейин жаҳл билан деди:

— Энди, марҳамат қилиб, ўрнингиздан туриб, овқатланиб олинг.

— Ҳамма илтимосларингизни боядан бери рад қилаётгандим, — деди Насриддин. — Бу илтимосингизга ҳам

йўқ дейишга бетим чидамаяпти. — У шундай деб, томоғини қириб йўталиб қўйди-да, шоша-пиша кабобни тушира бошлади.

КОРЧАЛОНЛАР ДУНЁСИДА

САВОЛГА САВОЛ БИЛАН...

Врач деди:

— Агар операция қилиш муқаррар бўлиб қолса, унга ҳақ тўлай олармидингиз?

— Агар, — деди бунга жавобан бемор, — менинг ёнимда пул бўлмаса, операция қилиш зарур, деб ҳисоблармидингиз?

ЧУНТАК КУТАРМАЙДИ

Таниқли доктор ҳали ном қозонмаган ёш врачнинг ҳузурига келди.

— Сизнинг ҳузуримга келишингизнинг ўзи менга катта бахт, — деди ёш врач. — Лекин нега сиз ўзингизни даволамайсиз?

— Биласизми, — деди таниқли доктор, — даволаганим учун беморлардан жудда катта пул оламан. Ўзимни ўзим даволайдиган бўлсам, унга тўлашга пулни қаёқдан топаман.

ҲАЛИ ВАҚТ БОР...

— Доктор, анча яхши бўлиб қолдим. Даволаганингиз учун сизга қанча тўлашим керак?

— Ҳали вақт бор, шошилманг. Ҳақ тўлаш учун кучқувватга тўлганизча йўқ.

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ

— Ҳамкасаба, мен йўқ пайтимда ўрнимни билдирмай, мен қандай ишласам, сиз ҳам шундай ишлашингизни хоҳлардим.

— Ўқишни эндигина битириб келдим, ҳали ҳеч қанақанги тажрибам йўқ-ку...

— Бунинг аҳамияти йўқ. Мижозларимнинг ҳаммаси олифталар. Эркакларга гольф ўйнашни, аёлларга эса денгиз соҳилига боришлари зарурлигини айтсангиз кифоя.

МИННАТДОРЧИЛИК

Парижлик врач дўсти билан сайр қилиб юрган пайтида қаршисидан чиқиб қолган бир кишига букилиб таъзим қилди.

— Бу киши ким? — қизиқсиниб сўради дўсти. — Жуда эгилиб-букилиб таъзим қиляпсан?

— Асти сўрама, бу киши эллик минг франк ишлаб олишимга ёрдам берди.

— Шунақанги бой мижозларингданми у?

— Йўқ, у бой мижозларимдан бирининг ошпази.

ҲАЕТНИНГ УЗИ УРГАТАДИ

Уғил:

— Мана, тиббиёт институтини ҳам тугатдим, энди менга касбингизнинг сирини айтарсиз.

Ота:

— Энди айтсам бўлади. Рецептни ўқиб бўлмайдиган, ҳисоб-китоб пулни эса аниқ қилиб ёзгин.

ДАРОМАД ТАШВИШИ

Бир врач ҳамкасбига деди:

— Мижозларимдан оладиган ҳақни оширишга аҳд қилдим.

— Бунга улар кўнишармикин?

— Кўнишади. Даромадларига зарар етмаслиги учун уларга тез-тез парҳез қилишларини буюраман.

МУҲИМ ГАП

Парижлик машҳур врачнинг ҳузурига бир ёш йигит кириб келди-да, миннатдорчилик билдира бошлади:

— Ғоятда ажойиб даволаганингиз учун сиздан кўпдан-кўп миннатдорман.

— Лекин, кечирасиз, сизни мен ҳеч қачон даволамаганман-ку.

— Мутлақо тўппа-тўғри, доктор. Лекин амакимни даволагансиз, мен эса унинг меросхўриман.

ЭСИНГИЗНИ ЕБ ҚУИИБСИЗ...

Бир киши ҳаяжонланганча жарроҳ ҳузурига кириб келди-да, имо-ишора билан томоғидаги қилтаноқни олиб ташлашни илтимос қилди.

— Қанча тўлашим керак? — сўради у қилтаноқни олиб ташлашгач.

— Ун шиллинг.

— Эсингизни еб қўйибсиз, — деди у ҳайратланиб. — Бир ликопча балиққа мен бор-йўғи икки шиллинг тўлаган бўлсам-у...

АРЗИЙДИ

Ёш врач отасига — машҳур профессорга деди:

— Ун йил сизнинг мижозингиз бўлган бир аёлни даволадим.

— У даволаганингга арзийди. Чунки сен унинг пули туфайли олий маълумот олгансан.

ХАВФСИЗ ОПЕРАЦИЯ

Бемор операциядан олдин врачдан — таниқли жароҳдан сўради:

— Илтимос, айтингчи, операция хавfli эмасми?

Врач унга тасалли бериб, деди:

— Хотиржам бўлинг! Тўлайдиган чақангизга наҳотки мен хавfli операцияни қилсам...

ТАШХИС

— Айтингчи, жаноб доктор, менинг ташхисим қанақа экан?

— Хотирангиз кескин пасайиб кетибди. Сўнгги икки марта келганингизда ҳақ тўлашни унутиб қўйибсиз.

КАТТА ХАТО

— Бутун врачлик фаолиятимда бир марта катта хатога йўл қўйганман.

— Қанақанги хато экан у?

— Бир миллионерни икки марта бориб кўришимдаёқ тузатиб юборганман, афсуски, ўшанда унинг миллионер эканлигини билмаганман.

БОЙИШ ЙУЛИ

— Профессор, айтингчи, сиз қандай қилиб бунақанги бойиб кетдингиз?

— Жудаям оддий йўл билан: камбағалларни даволадим, бойларга эса муолажа қилдим.

БЕҲУДАГА ЭМАС

— Сизга мутлақо соғлом эканингизни айтишдан хурсандман.

— Унда, доктор, ҳузурингизга беҳудага келган эканман-да.

— Э, йўқ! Сиз менга ўн доллар тўлашингиз керак.

ҚУРҚИТИБ ЮБОРДИ

— Сизнинг касалингиз жудаям ноёб касаллик. У тиббиёт фанини бойитиши мумкин...

— Нималар деяпсиз, доктор! Ўзи ҳар келганимда шундоғам ўн доллардан тўлаяпман-ку.

ХАФАГАРЧИЛИК БОИСИ

— Қаёқдан йиғлаб келаяпсан?

— Тиш докторидан. Тишимни олди.

— Бечорагина. Нечтасини суғурди?

— Олти кронни.

УЗОҚНИ ҚУРА БИЛМАСЛИК

— Хотинимнинг касали бизни бир ойлик маблағдан жудо қилди.

— Даромадингиз кўтармас экан, қандай қилиб хотинингизга узоқ муддат касал бўлишига рухсат бердингиз?...

ТАН ОЛИШ

Америкалик бир врач:

— АҚШ даги врачларнинг кўпчилиги пул кетидан қувиб, кераксиз операцияларни қилишади, деб газетада ёзаётганлари ёлғон, — деди. — Масалан, менинг ўзим, қачон пул зарур бўлиб қолса, ўшандагина операция қиламан.

КУЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТ

— Нимага мандан ўн беш доллар талаб қилаяпсиз? Эшигингизга ўзингиз кўрга ҳассадек қилиб ёзиб қўйибсиз: тиш олиш беш доллар, деб.

— Тўппа-тўғри, лекин сиз тишингизни суғураётганимда шунақанги бақирдингизки, навбат кутиб ўтирган икки бемор қочиб кетди.

МУРАКҚАБЛИК НИМАДА?

— Лекин, биласизми, машинаминг арзимаган нарса-сини тузатишингизга мен оғир беморни даволаганимда оладиган ҳақимдан ҳам кўп олаяпсиз.

— Гап шундаки, доктор, сиз доим эски моделларни тузатиш билан шуғулланасиз, мен эсам янги нусхаларини тузатаман.

ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА...

— Сизнинг дардингиз оғир эди, — деди врач. Очиғини айтганда агар сиз бунчалик бақувват бўлмаганингизда, у дунёга аллақачон равона бўлардингиз.

— Уйлайманки, — деди бунга жавобан бемор, — даволаганингиз учун ҳисоб-китоб қилаётганингизда буни эсдан чиқармассиз.

УНДА ҲАҚИНИ...

— Сизнинг касалингизни даволай олмайман. У суяк суришидан келиб чиққан касаллик.

— Ундай бўлса, сизга тўланадиган пулни отамнинг номига ёзиб, жўнатынг.

КУТАРА ОЛМАЙМАН...

— Даволанишингиз учун икки минг доллар тўлашингизга тўғри келади.

— Афсуски, доктор, бунақанги операцияни мен кўтара олмайман.

ҲЕЧ НАРСА ИУҚОТМАЙСИЗ

— Эрингизни даволаш учун олдиндан ўн кунга ҳақ тўлаб қўйинг. Агар у ўлиб-нетиб қолгудек бўлса, фойдаланилмаган кунлар учун қолган пулингиз қайтариб берилади.

ШУНДОҒ ҲАМ...

Жарроҳ бир хонимни пластик операция қилиб, бурнини бинойиндек қилиб қўйгач, у кўзини ҳам кенгайтириб қўйишни илтимос қилди.

— Операция учун тўлайдиган ҳақингизни айтганимда, — деди врач уни хотиржам қилиш учун, — кўзингиз шундоғам ўз-ўзидан катталашиб кетади.

МУСИҚАВИЙ ТАНАФФУС

САБАБЛАР

Карузо бир нечта спектаклда қатнашиш учун Парижга келди. Бироқ у биринчи спектаклдаёқ шамоллаб қолиб, бошқа куйлай олмади. Опера театри директорининг руҳи тушиб, деди:

— Хўш, энди мен томошабинларга нима дейман? Ёзда шамоллашнинг уддасидан чиққанингизга ҳеч тушуна олмаяпман.

— Нимасига тушуна олмайсиз? Ҳозир тушунтириб бераман, — деди муғанний. — Биринчидан, томошабинларнинг завқ-шавқидан зал қизиб кетганди. Иккинчидан, гулдурос қарсакбозлик уни янада қиздириб юборди, ва ниҳоят, танқидчиларнинг совуқ гаплари унга сув қуйгандек бўлди? Шамоллашимга шуларнинг ўзи етарли эмасми?

ИККИ СОҲИБ

Бетховеннинг укаси Иоган армияга қурол-яроғ етказиб бериб, жудаям тез бойиб кетди-да, ер-мулк сотиб олди. Акасини Янги йил билан табриклаб, ёзиб юборган хатига шундай имзо чекди: «Иоган Бетховен, ер-мулк соҳиби».

Буюк композиторнинг жавоб хатида эса шундай имзо қўйилганди: «Людвиг фон Бетховен, миялилар соҳиби».

МЕҲРИБОНЧИЛИКДАГИ МУСОБАҚА

Кўнгли бўш ва меҳрибон бўлган Мейербер дуч келган дардмад кишига ҳамдардлик билдирарди. Композиторнинг бу «касалини» билган Россин у билан учрашиб қолганда соғлигининг мазаси йўқлигидан шикоят қилар, Мейербернинг гапини эшитиб бўлгач эса, ён-веридаги-ларга кулимсираганча шундай дерди. «Соғлигимдан ҳеч қанақанги шикоятим йўқ. Лекин дўстим ҳамдардлик билдиришдан ўзини тия олмайди, мен эсам уни бундай кўнгил хушлигидан маҳрум эта олмайман».

НОРМАЛ УМР ҚУРИШ

«Фауст» биринчи марта қўйилаётганда, у бошланмасдан сал илгарироқ француз композитори Шарль Гунодан, Фаустнинг ёши тахминан нечада, деб сўрашди.

— Оддий одамнинг умри, — деди у бунга жавобан, — олтмиш йил.

Бу гапни айтганда Гуно қирқ ёшда эди.

Орадан йигирма йил ўтгач, юқоридаги саволни яна Гунога беришди.

— Оддий одамнинг умри, — деди буюк композитор, — тахминан саксон йил.

МЕҲМОННИНГ ИСТАГИ

Машҳур скрипкачи-виртуоз ва дирижёр Жорж Энеска меҳмондорчиликка таклиф қилинган таклифнома олди. Унда, меҳмондорчиликка келганда, албатта, машҳур скрипкаси ҳам ёнида бўлишига шама қилинганди.

Жорж Энеска ўзининг жавоб хатида шундай деб ёзди:

«Муҳтарама хоним! Минг афсуски, бугун меҳмондорчиликка бора олмайман, тўсатдан ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Бахтимга, ўтиришингизнинг асосий аъзоси — скрипкам соғ-саломат. Агар истасангиз, уни менинг ўрнимга олиб кетишингиз мумкин».

Қамина қулингиз...»

ЖИЛЬИ НИМАГА ҲАЯЖОНЛАНДИ?

Машҳур италян қўшиқчиси Бенъямино Жильини наркоз бериб операция қилишаётганди. Артист ҳаяжонланганидан пойинтар-сойинтар қилиб санай бошлади: «Бир... Беш... Саккиз...» Врач Жильидан ҳушёрлик билан санашини илтимос қилган эди, у бунга жавобан шундай деди:

— Мен ҳозир жудаям оғир аҳволдаман — ахир суф-лёрим йўқ.

БОД КАСАЛЛИГИ ВА ФОРТЕПЬАНО

Икки ёш врач йўлда кетишаётганда қаршиларидан бир гўзал аёл чиқиб қолди. Шунда улардан бири аёлга таъзим қилиб, у билан саломлашди.

— Бу сенинг мижозларингданми? — қизиқсиниб сўради иккинчи врач аёл узоқлашгач.

— Ҳа.

— Унинг қанақа касали бор экан.

— Бод.

— Сен унга қандай маслаҳат бердинг?

— Фортепьяно чалмасликни.

— Тушунмадим, унинг касалига мусиқанинг нима алоқаси бор?


— Тушунмадингми? Бу гўзал хоним мен яшайдиган уйда, бир қават юқорида туради. Эртадан кечгача фортепьянони тинғиллатгани-тинғиллатган, қулоқ-мияни еб юборади. Ана шу мусиқага барҳам бериш учун унинг бод касалидан фойдаландим-да...

ХАЛОСКОР

— Кеча мана бу жанобнинг ҳаётини сақлаб қолдим.

— Қандай қилиб?

— Рояль чалаётгандим, у ёнимда ўтирганди. Бир пайт, менинг рояль чалишим уни тириклайин гўрга тикишини айтиб қолди. Шунда мен чалишни шартта тўхтатдим, мана, ўзинг кўриб турибсан — у соғ-саломат.



ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ҲАЁТИДАН

АВВАЛ ИШ, КЕЙИН...

Бир йигит ўзи яхши кўриб қолган қизнинг отасигә мурожаат қилиб, деди:

— Сизда менинг муҳим гапим бор: қизингизни менга турмушга бера оласизми? Врач берган справкам бор: мен мутлақо соғломман.

- Ичасизми?
- Ташаккур. Келинг, аввал асосий ишни ҳал қилиб олайлик, кейин...

ҚҰРҚИНЧЛИ ФИЛЬМ КҰРСАТИЛАЕТГАНДА

Залда ўтирганлардан бири бор овози билан ташвишланганча сўраб қолди:

- Залда биронта врач борми?
- Томошабинлардан бири шу заҳотиёқ ўрнидан ирғиб туриб, деди:
- Мен врачман. Нима бўлди?
- Худога шукур, энди кинони бемалол кўраверсам бўларкан...

ВРАЧ ВА КИНО ЮЛДУЗИ

- Ечинайми, доктор?
- Ҳожати йўқ. Кеча экранда сизни яхшилаб кўриб олганман.

АПТЕКАЧИНИНГ АЙБИ БИЛАН...

Лионлик француз аёл аптекачидан етказган зарари учун товон тўлашини талаб қилди. Маълум бўлишича, аптекачи унга бузуқ термометрни сотган, мутлақо соғлом бўлган аёл эса термометр кўрсатаётган ҳароратга ишониб, икки ҳафта ўрин-тўшак қилиб ётиб олган экан.

КАСБ-КОРИГА ҚУРА

Бир аёл деразани очди-да, ўғилчаси чорак сўмлик долларни ютиб юборганини айтиб, ёрдам беришларини сўрай бошлади. Бақирқни эшитиб югуриб келган нотаниш бир киши болакайни оёғидан ушлаб, уни қаттиқ-қаттиқ силкитган эди, танга унинг оғзидан тушиб кетди.

— Раҳмат, доктор! — миннатдорчилик билдира бошлади бахтиёр она. — Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билолмай қолдим.

— Мен доктор эмасман, — деди нотаниш киши, — солиқ йиғувчиман.

АЛЛАҚАЧОНДАН БЕРИ...

- Сиз узоқ вақт дам олишингиз керак.
- Доктор, мен шундоғам икки йилдан бери ишсизман...

ҚИЗИҚУВЧАНЛИК

Тулузлик бир врач қизиқчилик учун маҳаллий газетада шундай эълон бостирди: «Чет элга кетишим муносабати билан ноёб тарихий ёдгорлиқни — болакай Вольтернинг бош суягини сотаман».

Шундан сўнг у бир ҳафта давомида «бош суяги»нинг нархи қанчалиги сўраб ёзилган 84 та савол олди.

УЛАР УДДАСИДАН ЧИҚИШАДИ

Профессор ёш медикдан сўради:

— Мистер Жонс, айтайлик, сизни танга ютиб юборган беморнинг ҳузурига таклиф қилишди. Хўш, сиз уни қандай даволаган бўлардингиз?

— Дарров руҳонийни таклиф қилган бўлардим.

— Нимага?

— Улар ҳар қанақанги жойдан ҳам пул ундиришга уста-да.



ЖАРРОҲ ВА МОТОЦИКЛЛАР

Американинг кичкинагина шаҳарчасидаги касалхона жарроҳи автомобиллар магзини директоридан сўради:

— Бу ойда нечта мотоцикл сотдингиз?

— Олтмишта.

— Қизиқ, унда яна учтаси қаёққа ғойиб бўлди?

ХАТОНИНГ БАҲОСИ

Аптекачи харидорнинг орқасидан қувиб бориб, уни тўхтатди:

— Сэр, бир дақиқага орқангизга қайтсангиз. Янглишиб, сизга соданинг ўрнига маргимуш бериб юборибман.

— У хавфли нарсами?

— Хавфли бўлганда қандоқ. Маргимуш анчагина қиммат туради.

ҲАМ ҲА, ҲАМ ЙҮҚ

Америкалик машҳур врачдан сўрашди:

— Инсон кўричаксиз яшай оладими?

— Ҳар қандай инсон яшай олади, лекин жарроҳ яшай олмайди, — деди у қатъий.

КУТИЛМАГАН ХУШҲАБАР

Врач гаранг бир бой чолга эшитиш аппаратини ёзиб берди. Орадан икки ҳафта ўтгач, чол миннатдорчилик билдириш учун яна врачнинг ҳузурига кириб келди.

— Энди жудаям яхши эшитаяпман. Ҳатто қўшни хонада гаплашсалар ҳам эшитаяпман.

— Уйингиздагилар, албатта, бундан хурсанддирлар.

— Бу ҳақда уларга ҳали чурқ этганимча йўқ. Шунчаки уларнинг гапларига қулоқ солиб ўтираман. Бунинг натижаси қанчалик фойдали бўлаётганини биласизми? Васиятномамни аллақачон икки марта ўзгартиришга улгурдим.

САРТАРОШХОНАДА

— Кесиб олишларидан жудаям қўрқаман, шунинг учун ҳаяжонланаяпман. Илтимос, соқолимни эҳтиётлик билан олсангиз.

— Бекорга ташвишланаяпсиз. Биз ҳар бир кесилган жойга ўн центдан тўлаймиз. Баъзан шунақа ҳам бўладики, сартарошхонамизга кирган кишилар бир даста пул билан чиқиб кетишади.

ЯНА НИМАНИ АЛМАШТИРАЙ?

Голливудлик кино юлдузи невропатологга мурожаат қилиб, асаби мутлақо ишдан чиққанидан нолиди. Врач унга ҳаёт тарзини ўзгартиришни маслаҳат берди.

— Жаноб доктор, — хўрсиниб деди аёл, — сўнгги йилларда автомобилимни етти марта, продюссерни ўн икки марта, квартирамни беш марта, сочимнинг рангини саккиз марта, эримни эса олти марта алмаштирдим. Яна нимани алмаштиришимни буюрасиз?

АСОСЛИ ҚҮРҚУВ

— Доктор, бунақанги қиммат турадиган операциядан воз кечса бўлмайдими?

— Нима, сиз пулингизни дафн маросимига ишлатмоқчимисиз?

— Йўқ, доктор, фақат икки марта харажат қилишни истамайман.

ҚАНЧА БЎЛСАЯМ ТЎЛАЙМАН...

Йўловчи сувга чўкаётган америкалик миллионерни кутқариб қолиб, деди:

— Мана, энди, сунъий нафас олдирамиз.

— Ҳеч қанақанги сунъий-пунний нафаснинг кераги йўқ, — деди миллионернинг хотини. — Табиий бўлаверсин, ҳақи қанча бўлсаям, тўлайман...

АРЗОН-ГАРОВГА...

Еш тиш докторининг ҳузурига бемор кириб келди. Маълум бўлишича, оғриётган тишини олиб ташламаса бўлмас экан.

— Бунинг учун қанча тўлайман?

— Биласизми, мен эндигина иш бошлаётган врачман, ҳали тиш суғуриш бўйича тажрибам йўқ, шунинг учун соатига фақат 100 пфениндан оламан.

ФАРҚИ КАТТА-КУ...



Қишлоқи бир одам Парижга келганда тиши оғриб қолди, у югурганча энг яқин жойдаги тиш докторининг олдига борди. Тиш бир лаҳзада олиб ташланди.

— Йигирма франг тўлайсиз, — деди врач.

— Шу бир лаҳзалик ишга-я, — аччиқланиб деди бемор. — Нансида тиш доктори нақ бир соат овора бўлиб тишимни олгандай бор-йўғи мендан бир франк олганди.

УЧТА АСОСИИ ОМИЛ

— Қизиқ, сиз нима учун тери касалликлари бўйича мутахассисликни танлагансиз?



— Сабаби оддий. Мижозларим мени ҳеч қачон кечаси безовта қилишмайди, ҳеч қачон ўлиб ҳам қолишмайди, кейин ҳеч қачон тузалишмайди ҳам.

РЕКЛАМАНИНГ ҚУДРАТИ...

ЗАРУРИЙ ЭҲТИЕТКОРЛИК

Америкадаги гўзаллик муассасаси маъмурияти қуйидаги эълонни газетада бостириб чиқарди: «Ҳурматли мижозлар, сизларга шуни маълум қиламизки, бундан сўнг косметик операцияни амалга оширишдан олдин бармоқларингиз изини қоғозга тушириб олишга мажбурмиз. Операциядан кейин мижозларимизни таниб олиш учун шундай зарурият туғилди».


СИР САҚЛАНСИН...

АҚШдаги амбулаториялардан бирининг қабулхонасида шундай плакат осиб қўйилганди:

«Муҳтарам мижозлар! Ўз касалингиз симптомлари ҳақида бир-бирингиз билан гаплашмаслигингизни илтимос қиламиз. Чунки бу врачни чалғитиб қўяди».

СИГНАЛИЗАЦИЯ МУЪЖИЗАСИ

«Қўнғироқчали камардан сотиб олинг — у белингизни ҳам, соғлигингизни ҳам эҳтиёт қилади» — дейилганди америкада чиққан эълонларнинг бирида.



Гап шимга ёки кўйлак устидан тақиладиган камар устида бораётганди. Унга йигирмата қўнғироқча ўрнатилган бўлиб, агар камар эгаси меъёрдан ортиқчароқ овқат еб қўйса, улар жиринглаб огоҳлантирарди: «Ҳадеб иштаҳага эрк беравериш керак эмас».

ПАРДОЗ-АНДОЗНИНГ ҚУДРАТИ

Париждаги гўзаллик муассасасига кираверишда шундай эълон бор эди:

«Бизнинг муассасамиздан пардоз-андоз қилиб чиққан гўзалларнинг ноз-карашмасига учманг. У бувингиз тенги бўлиши мумкин».

ЯНА БИР ЭЪЛОН

«Сурги» дорисидан сотиб олинг! «Сурги» дорисидан фойдаланинг. У уйқунгизни безовта қилмасдан, ўз таъсир кучини кўрсатади».

ИБРАТЛИ ИБОРАЛАР

Инсон юрак иллоти туфайлими ёки самимиятдаги иллат туфайлими — уларнинг қайси бири сабабли кўпроқ қийналиши номаълум.

* * *

Баъзи бир кимсаларнинг ҳаёт тарихи — уларнинг касалликлари тарихидир.

* * *

Врач бўлса, бемор топилади.

* * *


Узоқ умр кўриш учун ҳаддан ташқари кўп вақт талаб қилинади.

* * *

Агар замонавий дори-дармонлар бўлмаганда, одамлар камроқ дардга чалинардилар.

* * *

Врачнинг бурчи — соғлом ҳаёт тарзини кечирмайдиган кишилар соғлиғини сақлашдир.



* * *

Беморни фақат соғлом фикр билангина тuzатиш мумкин эмас.

* * *

Ҳатто энг бамаъни одамнинг ҳам саксон фоизи сувдан иборатдир.

* * *

Қимматбаҳо дори-дармонлар яхши наф беради. Агар бемор ундан наф кўрмаса, врач албатта наф кўради.

* * *

Икки нарсани йўқотганингдан сўнггина уларнинг қадрига етасан: булар — ёшлик ва саломатликдир.

* * *

Қасаллик икки турли бўлади: бирида зарур нарсани йўқотасан, иккинчисида кераксиз нарсага эга бўласан.

* * *

Модапараст аёлнинг буюк орзуси — скелет оғирлигига яқин бўлган ўз шахсий оғирлигига эга бўлишдир.

* * *

Қишининг ёши улғайган сари, унинг врач дўстлари ҳам кўпайиб бораверади.

* * *

Юз йил яша — юз йил даволан...

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР...

Санаториймиз ҳовлисида «Пиво — сув» павильонининг филиали очилган. Шунга қадар беморларимиз уч қақирим наридаги қишлоққа бориб келишга мажбур эдилар.

* * *

Автомашина бўлмаганлиги сабабли биринчи ярим йилликда от тез ёрдам кўрсатди.

* * *

Гипсли боғлов қўйилаётган пайтда бемор аёл қаршилик кўрсатиб, даволовчи врачни қошиб олди, гипсни қўлоёқлари билан юмдалаб олиб ташлай бошлади...

* * *

Қорин бўшлиғида ўртача мандарин катталигида ҳосила пайдо бўлгани аниқланди.

* * *

Зулук қонни сўради. Лекин у буни яхши ниятда қилади. Бизнинг Сизякин эса, ҳеч қанақанги зарурият бўлмаса ҳам ўз қўли остида ишлайдиганларнинг қонини ичади.

* * *

Қишлоғимиздаги ҳамма аҳоли туғруқхоналарда туғишади.

* * *

Аёл чивинларгина эркакка ҳужум қилиб, унинг қонини сўради. Эркак чивинлар эса ёқимли гул нектарини ҳидлашни афзал кўради.

* * *

Мурданинг қариндошлари бўлмайди.

* * *

Тиббий ҳушёрхонага ичмайдиган чилангар-сантехник керак.

* * *

Уртоқлар! Жамоатчилик асосида қон топширингиз!

* * *

Тепки касаллиги бор беморлар билан мулоқотда бўлган болалар биринчи қаватда, тоза болалар эса иккинчи қаватда текширувдан ўтказилади.

* * *

Пайшанбада, 18-куни клубда қуйидаги мавзуда маъруза бўлади: «Врач кўзи билан қаралгандаги муҳаббат», кечқурун соат еттидан кейин.

* * *

МУНДАРИЖА

Қаерингиз оғрияпти	3
Асабингиз мустақкамм	4
Сизнинг саломатлигингиз учун	5
Ёшига қараб	11
Сигарет тутуни орасида	14
Портретга чизгилар	18
Жиннилар ва психиатрлар	20
Паришонхотирлик ҳангомалари	23
Давоси ўзи билан	24
Тиш врачлари ҳузурида	28
Кунларнинг бирида	30
Елғондакам касаллар	37
Жавобсиз саволлар	38
Шунақаси ҳам бўлади	39
Хоҳ ишонинг, хоҳ	43
Турли ҳолатларда	46
Ташхис (диагноз)нинг қудрати	50
Боланинг тили ширин	52
Машҳур кишилар ҳаётидан	54
Жўяли фикрлар	59
Яхши тилаклар	61
Дўстона маслаҳатлар	64
Талаба медикларнинг касаллик варақасига ёзган битикларидан	65
Имтиҳон топширувчилар ва имтиҳон олувчилар	66
Габрова латифалари	68
Насриддин афанди билан нималар бўлмаган	70
Корчалонлар дунёсида	79
Муסיқавий танаффус	84
Чет элликлар ҳаётидан	86
Рекламанинг қудрати	91
Ибратли иборалар	92
Бир қайнови ичида гаплар	94

Научно-популярное издание

Составитель **БАСЫТ АЛИЕВИЧ АХУНДЖАНОВ**,
доктор медицинских наук, профессор

Медики и пациенты обмениваются улыбками

Художник *Б. А. Цацко*

Ташкент, 700129, издательство имени Ибн Сины, Навои, 30.

На узбекском языке

Илмий-оммабол нашр

Тўпловчи **БОСИТ АЛИЕВИЧ ОХУНЖОНОВ**,

тиббийёт фанлари доктори, профессор

Шифокорлар ва дардмандлар хандаси

Таржимон *А. Шомирзаев*

Муҳарририят мудир *М. Орифжонова*

Муҳаррир *М. Қодирова*

Рассом *Б. А. Цацко*

Бадний муҳаррир *Б. Рамазонов*

Техник муҳаррир *Л. Жихарская*

Мусаҳҳиҳа *Н. Абдуллаева*

ИБ № 1742

Босмахона 12.06.91 да берилди. Босишга 10.01.92 да рухсат этилди. Бичими 84×108_{1/32}. Газета қоғози. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма табоқ 3,0. Нашр. босма табоқ 3,45. Шартли бўёқ-оттиски 3,21. Жами 32000 нусха. 160-рақамли буюртма. Баҳоси 2 с. 52—89 рақамли шартнома.

Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Қитоб» нашриёт-матбаа бирлашмасининг 3-босмахонаси, 700129, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.